



Биз кўтараётган масала жуда жиддий. Шу қадар жиддийки, инсон яшайдиган бутун умрининг марказидир у. Шу қадар жиддийки, ҳар биримиз у ҳақда алоҳида вақт ажратиб тафаккур қилсақ, фақат ютамиз. Шу қадар жиддийки, уни англамай, тушунмай туриб ҳаётда из қолдириш, ҳатто, яшаш ҳақида ўйлаш мумкин эмас.

Бу – наслнинг покланиши масаласидир.

Эшитганингиз бор, диктатор Каримов соғлом онадан соғлом бола туғилади деб ўқтириб келади. Унинг бу бирёқлама гапи Ўзбекистоннинг турли деворларига катта ҳарфлар билан ёзиб, осиб қўйилган. Кўпчилик соғлом онадан аҳмоқ бола ҳам туғилиши мумкин деб эътироз этган эди бу фикрга.

Ҳақиқатан ҳам, боланинг жисман соғлом бўлиши онага боғлиқ бўлиши табиий, бироқ ҳаётда жисман соғ бўлишдан кўра муҳимроқ аргументлар бор.

Шундай муҳим аргументларки, улар олдида соғлик бир пул, жисм бақувватлиги кераксиздир. Бу – иймон ва эътиқод аргументи дейилади. Балки иймон ва эътиқод деган муқаддас тушунчаларга нисбатан аргумент сўзини қўллашимиз ўринсиздир бир қадар, аммо инсонни инсон қилиб турадиган нарсаларга диққат қаратаётган эканмиз, бу муҳим жиҳатларни айтиб ўтмасликнинг илоҳи йўқ, албатта.

Миллатнинг таназзули нимадан бошланади? Қачон миллат инқирозга юз тутаети? Азалий қадриятлар зарба еб, табаррук тушунчаларнинг қиймати қайси сабаблар ила йўқолади?

Бунинг бир сабаби бор. Бу сабаб – насл айниши демақдир.

Насл қандай айнийти?

Қачонки ота-она ҳалоллик ва диёнатни хоинлик ва бўшангликка алмаштиради, қачонки ота-она иймон ва эътиқодни мунофиқлик ва куфрга айибовласа, улардан туғилажак фарзандлар айниган наслнинг мевалари бўлажак.

Туркистон тарихида бу ўлкада яшайдиган миллатларнинг бузилиши Амир Темур давридан сўнг бошланди. Бунинг яққол мисоли – “Бобурнома”да темурий шаҳзода ва амирларнинг баччабозликка ружу қўйганидир. Демакки, ислом қонунлари поймол бўлган ва



НАСЛ ПОКЛАНИШИ

миллат айниган. Жузо шу бўлдики, бу ўлкада бирор темурий шаҳзода омон қолмади. Ҳаммаси қириб битирилди. Уларнинг ўрнига динни маҳкам тутгун Шайбонийхон тахтга чиқди. Темурий шаҳзолардан биргина Бобур Мирзо Оллохнинг амри ила қалбидаги ҳидоят нури сабаб Ҳиндистонни фатҳ этиб, жаҳон тарихида янги саҳифа очди. Чунки Бобур Мирзо насли айнинамаган эди. Бобур қилган гуноҳларига ўз вақтида тавба қилган эди.

Шайбонийлар сулоласининг айниши қудратли ҳукмдор Абдуллахон иккинчидан бошланди. Абдуллахон иккинчи қанчалик қудратли бўлмасин, унинг кўнглига кириб олган кин ҳам улуғ эди. Шахрисабздага Оксаройни бузиб ташлаши ана шу киннинг ҳосиласидир. Унинг Абдулмўмин исён кўтариб, ўз отасининг ўлимига сабаб бўлди. Шу билан шайбонийлар сулоласи барҳам топди.

Шайбонийлардан сўнг тахт тепасига келган Аштархонийларнинг энг кучга тўлган даври Имомқулихон давридир. У ўз иймони ва эътиқоди ила мамлакатни қирқ йил бошқарди, ҳатто, Макканинг ободлиги учун ҳисс қўшиб, у ерда бир эшик ва тилла тутқичли зина қуриб бергани

маълум. Мазкур сулоланинг сўнги вакили Абулфайзхон насл бузилишининг энг ёрқин мисолидир. Унинг даврида юрт Эрон босқинчилари қўлида талон-тарож бўлди. Абулфайзхон оиласидан бир гўдакнинг тасодиф қутулиб қолгани истисно қилинса, ҳамма қириб битирилди.

Давлат бошқарувини қўлга олган Манғитлар сулоласи даврида мамлакат бўлинди – Қўқон хонлиги қурилди. Бусулоланинг энг қудратли ҳукмдори амир Шохмурод ва амир Насрулло ҳисобланади. Айнан амир Шохмурод шариатга қатъий амал қилиши ва юксак иймони ила амирул маъсум лақабига лойиқ кўрилганди. Амир Шохмуродга халқ орасида ҳатто бешинчи саҳиҳ халифа деб ҳам унвон берадилар. Чунки у пичоққа қин ясаб сотиб, шунинг эвазига яшарди, эғнида оқ яқтак ва битта чипта ковуш кийиб юрарди. Унинг даврида бутун Туркистонда, яъни Мовароуннаҳрда тинчлик ҳукм сурди. Қон тўкилмади. Лашкар қудратли бўлди. Халқ фаровон яшади. Амирул маъсум зебу зийнатсиз, қаҳру ғазабсиз ҳам мамлакатни жиловиди маҳкам тутди. Унинг амр ва буйруқлари ҳар

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

бир музофотга ўқдек етиб борар, ҳеч ким уни бузишга журъат қилмас эди.

Унинг тахтга чиқиши ҳам қизиқ бўлган. Дарвештабиат шаҳзода, яъни Шоҳмурод тахтга чиққач, унга дастлаб ҳеч ким итоат қилмади. Шунда амир барча бекларни, амирларни, вазирларни чорлаб зиёфат уюштирди. Сўз бошлаган маҳали бир амир унга беодоблик қилишга журъат этди. Амир Шоҳмурод уни ҳеч иккиланишсиз шу жойнинг ўзида ўз қўллари билан бошини танасидан жуда қилди. Унинг бу қадар кучли сиёсати, тақвоси, иймони барча амирларнинг кўнглига кўрқув ва итоат ҳиссини солди.

Амир Шоҳмуроднинг невараси Амир Насрулло замонидан Бухоро қўшини 70 минг отлик сарбозни ташкил қилди, лашкар тўплар билан таъминланди, милтиқлар олиб келинди. Ҳаддидан ошган Қўқон хонлигининг ўзбошимча маликаси Нодирабегим ношаръий ишлари учун жазоланди. (Совет даврида Нодирабегим иделлаштирилиб, Насрулло шахсияти қоралаб келинган. Бу тушунча ҳамон сақланиб турибди. Аммо Умархон Амирийнинг хотини Нодирабегим ўғли Мадалихонни тахтга чиқазиб, анча хато сиёсат олиб боргани маълум. Бу ўрганиладиган жиддий мавзулардан бири.)

Насруллодан кейинга авлодлар эса бу қудратни тутиб тура олмадилар. Насл айнаши авж олди. Ниҳоят Бухоро ўз ихтиёри ила Россияга қарам бўлишга кўнди, бу жинойят амир Музаффар томонидан амалга оширилди. Насл шу нуқтада жуда кучли айнади. Бу хиёнат оқибатида Бухоро амирлиги 1920 йилда яқсон бўлди. Хива хонлигида Жунаидхон хатолари сабабли йўқ қилинди. Қўқон эса Худоёрхоннинг субутсизлиги билан таслим бўлган эди.

Насл айнаши бутун бошли миллатнинг шу қадар инқирозига сабаб бўлди.

Аммо асл айнаш энди совет даврида бошланди. Аёлларнинг паранжилари панжара ўлароқ кўрсатилди. Текин ишчи кучи сифатида фойдаланиш учун аёлларнинг паранжилари ёқилди, улар мажбуран пахтага, заводларга жалб қилинди, муниса аёллар алданди ва қора меҳнатга маҳкум бўлдилар. Эраклар ҳам бунга йўл қўйиб бердилар, йўл қўймаганлари эса ўлдирилди ёки қувилди.

Утган етмиш йил давомидан миллат айнашда давом этди. Муқаддас қадриятлар топталди, халқ онги қулликка мослаштирилди,

қуллик менинг бахтим деган тушунча сингдирилдики, натижада, бутун бошли халқ ҳурриятни қабул қила олмайдиган бўлиб қолди.

Аммо насл айнир эҳан, унда покланиш ҳам бошланди. Улкадан улкан олимлар етишиб чиқди. Алихонтўра Соғуний, Мавлавий Ҳиндистоний, Олтунхон тўра, уларга издош бўлган шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуфлар миллат маънавияти ва руҳонияти покланишига жиддий таъсир кўрсатдилар. Бу тарбиянинг, бу жасоратнинг меваси ўлароқ яна Туркистондаги авлод ўртасида ҳидоят нурлари порлай бошлади. Бу нурнинг шуъласини биз бугун Туркистон ёшларининг кўзларида, сузларида ёлқинланиб турганига гувоҳмиз. Улар ўз ҳаётларини Оллоҳнинг фарзи, Пайғамбаримизнинг (соллаллоху алайҳи ва саллам) суннат устига қуриш истагида. Ва бу йўлда қатъий ҳаракат қилмоқда.

Улка мустақил бўлди. Мустақиллик шарофати ила масжидлар очилиб қолди. Ана шу масжидларнинг ўзига одамлар сиғмай кетяпти. Чунки насл покланиши бошланди.

Ота-онаси ибодатда, зикрда бўлган бола, албатта, Оллоҳ лутф этса, ориф ва обид, олим ва зокир бўлиб улғаяди. Шу нуқтадан бошлаб насл покланади. Миллатнинг янги даври, янги тарихи бошланади. Янги юксалиш кўз очади.

Каримов диктатураси эса миллатнинг покланиши, миллатнинг юксалишига қаршидир. Наслсизлар, насли бузилганлар эгаллаб олган ҳукумат ҳеч қачон юксак тушунчаларни қабул қила олмайдилар, билмайдилар. Шунинг учун бу қадриятларга қарши курашадилар. Улар учун наслларнинг айнагани, бузилгани ва йўқ бўлиб кетгани керакли.

Бугун биз Рамазон ҳайитини нишонлаб турибмиз. Тошкентда ҳайит куни транспорт ҳаракати тонгги соат 3.30 дан бошланибди. Буни ҳамюртларимиз байрам қилиб хурсанд бўлишди. Аслида, бу алдашдан бўлак нарса эмас. Чунки масжидларнинг олдига туриб олган милиция ва МХХ ходимлари болаларни ҳайит маърузасини тинглаш ва намозни ўқиш учун киритмадилар. Уларни уйларига қайтариб юбордилар.

Нима учун? Бу ишга ким буйруқ берди?

Бу ишга буйруқ берган одам, албатта, Ислом Каримовдир. Агар у буйруқ бермаса, бу қадар золимлик амалга оширилмас эди. Масжидга кириб келаётган боланинг ҳидоят йўлидан юриши бу золимларни кўрқитади, шунинг учун бутун бошли

авлодни масжиддан йироқ тутишни истади. Агар бу режим яна узоғи 10 йил болаларни масжиддан узоқ тутиб туришга эришса, ўлкамизда мутлақо бошқача бир атмосфера шаклланади. Бу шундай атмосфера бўладики, унда ислом дини қадрланмайди, унда эътиқод ва иймон қабристон маросимлари учун қўшиққа айлантиради, одамлар бузукликдан нафрат этмайдиган оломонга айланадилар.

Совет даврида халқ ўз болаларини яширин шаклда ҳужраларда ўқитарди, ҳужраларда олимлар етиштирилди, аммо бугун Каримов ҳужраларни ҳам, яширин диний таълимни ҳам йўқ қилиб ташлади. На ер устида, на ер остида эътиқод ва иймон дарсларини қолдирди! Ҳаммасини супуриб ташламоқда.

Покланиш босқичига киришган насли бузиш, айнитиш, булғалатиш шу қадар бўлиши мумкин, холос. Узи раҳбар бўлган халқни эътиқодсизлик жарига улоқтириш шу қадар бўлиши мумкин. Бундан ортигини ақл тасаввур қила олмас, балки.

Бугун болаларнинг масжидга кирмаслиги учун фатво берган, болалар масжидга кирса, намоз ўқиса, зарари йўқ, бу керак деб айта олмаган, ширин жони ва молини иймондан устун қўйган, диндан устун қўйган муфтийлар, олимлар, имом хатиблар аввало Оллоҳнинг маҳкамасида, сўнг миллат олдида ҳам жазога тортилажақлар. Улар жазога тортилмаслик учун ҳидоят йўлида собитқадам бўлишлари керак эди, қўрқмасликлари керак эди, жасоратда ўрнатилганларида, шайх Муҳаммад Содиққа эргашгани каби миллат Усмонхон Алимовга, Абдулазиз Мансурга эргашган бўларди. Қўрқмасликни ўрганар эди. Жасоратнинг устидан қулмас, ҳақиқатни рўё деб билмас эди.

Агар улар жасорат қила олганларида балки шаҳидлик мақомини топар эдилар, золимларга итоат этиб яшамакдан кўра Оллоҳ наздида шаҳидлик мақомига лойиқ топилмоқ шараф эмасми!

Аммо биз умидни сўндирмаймиз. Чунки ҳали Туркистон ўлкаси фарзандлари батамом ўлиб қолгани йўқ. Батамом йўқ бўлгани йўқ. Золим режимга қатъият ила қарши курашаётган, бу кураш учун кучни Оллоҳдан сўраб турганлар бор. Оллоҳ уларнинг умидларини бўш қолдирмаган, узалган қўлларини бўш қайтармаган, яқин-орада насли бузаётган, миллатга хиёнат қилаётган Каримов режими тағ-туби билан супуриб ташланажак ва буюк бир жамият барпо қилинажак, иншаОллоҳ!

Абдуллоҳ Нусрат



Ҳолландия Гулнора Каримованинг пулларини мусодара қимоқчи

Ҳолландия прокуратураси Гулнора Каримовага боғлиқ экани айтилган Такилант фирмасига тегишли 300 миллион евро мусодара этишни сўраб маҳкамага мурожаат этган.

Илгари айтилганидек, 'сохта' Такилант ширкатининг Ҳолландиядаги ҳиссалари Ўзбекистон Президентининг тўнғич кизи Гулнора Каримовага пора сифатида берилган, деб ишонилади. Такилант ширкати айнан шу пораларни ҳисобга ўтказиш мақсадида ташкил қилинган, дейилади.

Рейтер ахборот агентлигининг хабар беришича, Амстердам маҳкамасига мурожаат қилган прокурорлар 300 миллион евро мусодара этиш билан бирга, ширкатга 5 миллион евро жарима солишни ҳам талаб қилганлар.

Бундан ташқари қоралов томон Такилант ширкати мулки бўлган Ucell мобил операторининг 6 фоиз ҳиссаларини ҳам мусодара этишга чақирмоқда.

«Бу пуллар Ўзбекистон мобил алоқа бозорига кириш эвазига берилган. Пулни қабул қилган Ўзбек Президентининг кизи ва унга қарашли Такилант бўлган», деб кўрсатилган прокуратура мурожаатида.

Ҳолландия прокурорлари маълумотлари бўйича, пуллар Америка ва Ҳолландия маҳкамасида коррупцияда айбланган VimpelCom телекоммуникация ширкати ва айни пайтда текширув остида бўлган Telia ширкати томонидан тўланган.

Шуни қайд этиш керак, прокурорлар шахсан Каримова хонимни эмас, Такилант ширкатини айбламқдалар.

VimpelCom ва TeliaSonera ширкатларининг Ҳолландияда қароргоҳлари мавжуд. Коррупцияга қарши қонунчиликка биноан, масъулиятга тортилишлари эҳтимоли бор.

Ҳолландия прокурорларининг таъкидлашларича, Гулнора Каримова 2007-2015 йиллар оралиғида VimpelCom ширкатининг Unitel шўба корхонаси ва Coscom ширкатининг Telia бўлимини 3G мобил лицензияси билан таъминлаш эвазига 385 миллион доллардан ортиқ пулни пора сифатида олган.

Швецария, Швеция ва Америкадаги маҳкамаларда эса Гулнора Каримова 2012 йилдаёқ шубҳаланувчи деб аталган. Швецария ва Швецияда текширувлар ҳануз давом этмоқда.

Чоршанба, 6 июл куни бўлиб ўтган маҳкамада Гулнора Каримова ва Такилант ширкати вакили иштирок этмаган. Рейтер агентлигига кўра, Гулнора Каримова маҳкама айбловлари тўғрисида қачондир изоҳ бериши ҳам номаълум. Шунга ўхшаш, Ўзбекистон ҳукумати бу мавзуда ҳеч қачон ошкор муносабат билдирмаган.

2016 йилнинг феврал ойида VimpelCom ширкати коррупция айбловлари ортидан, Ўзбекистондаги шахсларга пора берганини тан олиб, 795 миллион доллар жарима тўлашга рози бўлганди. Бу маблағнинг

167 миллион доллари Америка қимматбаҳо қоғозлар ва биржалар бўйича комиссияси, 230 миллион доллар АҚШ Адлия вазирлиги, 397,5 миллион доллар Ҳолландия ҳукумати томонидан ҳисобланган.

Гулнора Каримова 2014 йил халқаро саҳнадан ғойиб бўлиб, уй қамоғига ўтказилгани тўғрисида хабарлари чиқди. Ўзбекистон Президенти қизининг коррупция жанжалларига аралашгани ҳақидаги маълумотлар 2012 йилда хориж оммавий ахборот воситаларида пайдо бўлди. 2014 йил швед прокурорлари Гулнорага алоқадор 900 миллион долларлик ҳиссалар борлигини айтиб, уни музлатишни сўрашди. Ўша йили Гулнора Каримова кўриқчилар билан тортишиб турган суратлар ижтимоий тармоқларда тарқалди. Бироқ Гулнора Каримова ва унинг болалари айнан қаерда эканлиги ҳозирда ноаниқ қолмоқда.

Аввалроқ Ўзбекистон ҳукумати АҚШда музлатилган пулларни мамлакатга қайтариш бўйича музокаралар олиб бораётгани айтилганди.

Гулнора Каримова номи билан боғланган бир неча ҳамкорлари Тошкентда маҳкамага тортилган. Жумладан, Такилант фирмаси номига расмийлаштирилган Гаяне Авакян, Гулнора Каримованинг фуқаровий эри бўлган, қатор ҳужжатларда исми кўрсатилган Рустам Мадумаровлар молиявий жиноятларда айбланиб, бир неча йиллик қамоқ жазоларига ҳукм этилган. Қамоқ жазолари кейинроқ авф асосида қисқартирилган.

Бироқ Ўзбекистоннинг мобил алоқа соҳасидаги коррупция жанжаллари марказида асосий фигура бўлган Гулнора Каримованинг ўзига нисбатан жазо қўлланилмаган.

Фақат икки-уч йил илгари бош вазир ўринбосари Рустам Азимов дохил ҳукуматнинг қатор юқори мулозимларини ижтимоий тармоқларда танқид қилган Гулнора Каримова интернетдан узиб қўйилган, унинг ҳозирда уй қамоғида экани тўғрисида хабарлардан бошқа маълумот йўқ.

Ижтимоий тармоқларда ўз вақтида Гулнора Каримованинг тадбирларида фаол бўлган Ўзбек шоу-бизнесининг баъзи вакиллари бугун уни эслаб, 9 июл, туғилган куни билан табриклаганлар.

Манба: bbc.com/uzbek

Жоҳилнинг турлари куйидагичадир: жоҳиллигини биладиган ва ўз хулқини тузатишга, жоҳиллигини кетказишга ҳаракат қиладиган тоифа; жоҳиллигини билмайдиган ва ўзини олим деб биладиган тоифа.

Қайси бири хатарли эканини кўриб турибсиз. Аммо биз қайси тоифага мансублигимиз ҳақида ҳам тафаккур этиб кўришимиз керак. Оқил одам ҳеч қандай мулоҳазасиз табиий шаклда ўзининг илми саёзлиги ва яхши ишлари камлигини англайди. Шунинг



Ўзини катта деб ўйлайдиган кичик зеҳниятлар офати

учун унда илмга ва яхшиликка бўлган рағбат, интилиш ҳеч қачон сўнмайди, у одамни доимо катта ғайрат ва шижоат устида кўрамыз. Жоҳилларгина дангасаликка юз тутадилар. Улар менинг олган илмим ва қилган ишларим етарли, мен олим бўлдим, энди ҳаммага илм тарқатишим керак, мен айтган гапларнинг ҳаммаси тўғри деган қатъий хулоса билан умр кечирадилар.

Бир мусулмон ўларок биламиз ва шубҳасиз ишонамизки, қалбида заррача кибри бўлган инсон жаннатга кира олмайди. Бу Оллоҳнинг сўзи. Бу Оллоҳнинг ҳукми. Шайтон кибри сабабли қувилди. Лаънатга гирифтор бўлди.

Маърифатдан оз микдорда баҳраманд бўлган инсонлар миллат ва дин учун қайғурадилар. Уларнинг айтадиган сўзлари, қиладиган ишлари замирида миллат ва динга бўлган ғамхўрлик мужассам бўлади.

Атрофимизга қарасак, кўпчилик инсонлар айна шу фикр, айна шу қайғуриш ичра яшаётганига гувоҳ бўламыз. Худога шукур, миллатимиз ўлмаган, зулмга, жаҳолатга қарши курашувчиларимиз бор дея мамнун бўламыз.

Биз динимиз ҳақлиги билан ғурурланамиз. Ота-боболаримиз эришган марралардан бошимиз тик. Оллоҳнинг Каломини ўқишдан руҳимиз ором топади. Кўз ўнгимизда кимлардир бизнинг наздимизда ҳалокатда, кимлардир саодатда, кимлардир адашган...

Динимиз ҳақ экан, қилаётган ишларимиз тўғри экан, нима учун ҳамон зулм остида яшаётганимиз ҳақида ҳам ўйлаб кўришимиз керак. Биз эргашаётган одамларнинг

илми ва амали юксаклиги ҳақида шубҳамиз йўқ, муаммонинг илдизи қаерда?

Ҳамма бало биз юкорида гап очган кибр билан боғлиқдир.

Қаламларимиз ўткир, тилларимиз бурро, сўзларимиз жарангдор. Бироқ яшашимиз ҳамон балчикда, кўрганимиз ҳамон зулмат. Чунки биз жоҳил сифатида ўзимизни олим санаймиз, дунё мен билган чегарадан иборат, мен билмайдиган нарса мавжуд эмас, менинг ақлимдан ташқаридаги гаплар ёлгон, фақатгина мен тўғри гапларни айтишга қодирман, бошқалар эса мендан ўрганадилар, мендан кўчирадилар деган ақидага суяниб қолганмиз.

Даражасида бўлмаганимиз олимларга баҳо берамиз, фалончи ундай, фисмадон бундай деб ҳукм чиқариб юборамиз. Аслида, мақсадларимиз битта, ҳадафимиз ягона, бироқ биримиз бошқамиздан устунлигимиз ҳақида кўркмай, уялмай даъво қиламиз. Бунинг энг катта сабабларидан бири – кибрдир.

Кибр бизни ўзимизга буюк кўрсатади, бу билан майдакашликка маҳкум этади. Майдакашлар эса ҳеч қачон буюк ишларга қодир бўлолмайдилар.

Устозларимиздан бири бу тоифани “Ўзини катта деб биладиган кичик зеҳният” деб атаган эди.

Ўзимиз билиб-билмай шу тоифага мансуб бўлиб қоламиз. Модомики, она Ватанни зулмдан озод кўришни истар эканмиз, модомики, миллатимиз саодатини, бахтини, хурриятини ҳадаф ўларок белгилаб олган эканмиз, фалон фикр меники, фалон ғоя менга тегишли, фалон сўзни мен

биринчи бўлиб айтганман, фалон ишни мен қилганман дейишга моҳиятан ҳақли эмасмиз. Чунки биз мусулмонмиз, мусулмон сифатида жамики Сўзлар, жамики ҳақ Калом Оллоҳники эканига ишонамиз. Бизга фикрни ҳам, тилни ҳам, сўзни ҳам Оллоҳ берган. Биз уни турли шаклда тақдим қилувчилармиз, холос. Ҳақиқат, шуки биз кўчирмачилармиз, Оллоҳнинг сўзини, санъатини кўчириб бошқаларга намойиш этувчи хизматкорлармиз.

Айтаётган ҳеч бир гап бизники эмас, уни аллақачон донишмандлар айтиб ўтишган, биз такрор қилувчилармиз. Муҳаққакки, донишмандлар ҳам такрорловчилар эдилар. Улар Оллоҳ ўргатган, Оллоҳ қалбларига солган гапларни такрор этган эдилар.

Шундай экан, ўз ҳаддимизни билишимиз мақсадга мувофиқ. Ҳаддимизни билайликки, майдакашлик тамғаси остида қолиб кетмайлик. Ҳаддимизни билайликки, Оллоҳ бизни юксалтсин. Ҳаддимизни билайликки, бизга сафдош бўлганларни маломат қилишдан тийилайлик.

Қачон биз Ватанни зулмдан озод қиламиз? Қачонки қалбларимиз бирлашса, ниятларимиз холис бўлса, зулм чекинади, Оллоҳ бизга нусратни ато қиладди. Аммо аксинча бўлса, йиллар ўтади, сўзлар айтамыз, ҳаракат қиламыз, лекин мурод ҳосил бўлмайди.

Оллоҳим, бизга улуғ мақсадлар йўлида бирликни, ҳокисорликни ва фақат Ўзинг биладиган буюкликни насиб эт.

Абдуллоҳ Нусрат



БАЙРАМ ТАБРИГИ!

Ассалому алайкум, хурматли дўстлар!

Сизларни муборак кун – Рамазон ҳайити билан табриклаймиз. Оллоҳ таоло ихлос ила тутган рўзаларимизни қабул қилсин, хато ва камчиликларини Ўз фазли ила афв айласин.

Дуоимиз:
Оллоҳим!

Пайғамбаримизга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) меросхўр бўлган минглаб алломалар, валийлар юрти бўлган жонажон Ватанимиз Туркистонда дини Ислом байроғи қайта ҳилпирашини насиб эт!

Иймонимизни мустаҳкам қил, бизни адашмоқдан сақла, адашганларга тавфиқ бер! Мунофиқларнинг ёмонликларини ўзларига буюр, душманларнинг ифтиро ва фитналаридан Ўз паноҳингда муслмонларни, қалбида пок ниятлари бўлган ҳар мўмин бандангни асра!

Оллоҳим!

Миллатимизга ёруғлик бер, уни жаҳолат зулматидан кутқар! Биз нафсимиз ўйинларига овора бўлдик, Ўзинг нажот ато айла! Гуноҳ ва маъсият ботқоқларидамиз, марҳамат қўлини чўз!

Д ў с т л а р и м и з г а , қардошларимизга барчамизни меҳр-муҳаббатли қил! Кўр бўлган кўнгил кўзларига нур

бер! Нафсларимизни ҳақиқат узра устун кўйишдан, кибримиз йўриғига юришдан сақла, Оллоҳим!

Сўзларимиз гўзал ва маънодор, уларни шунчаки ҳаво, шунчаки овоз бўлиб қолишдан нажот бер, сўзларимизга – Қуръон ва ҳадис ҳукмлари ила айтаётган сўзларимизга қатъиян амал қилишимизни насиб эт!

Иймонимизни ҳамма нарсадан кучли қил, жонимиз, молимиз, топган дунёларимиздан Сенинг ризолинг минг карра, миллиард карра, ададсиз маротаба устунлигини бизга ҳис эттир!

Йўлбошчиларимизга Ўзинг Йўлбошчи бўл! Уларни адашишдан сақла! Уларнинг кўзларига энг тўғри йўлларни кўрсат!

Оллоҳим!

Бизга бирлик насиб эт! Меҳр ва муҳаббат, кичикфёъллик ва ирода насиб эт!

Душманлар марҳаматига бизни зор этма, Ўз ёрдамингсиз, Ўз кўмагингсиз, Ўз лутфингсиз бизни қолдима, Оллоҳим!

Сен мўмин бандаларингга Рамазонни, унинг сўнгини байрам қилиб бердинг. Сен мўмин бандаларингга намозни, ҳажни, закотни байрам қилиб бердинг! Бизни бу байрамлардан айирма!

© **Фейсбукдаги «Муҳаммад Солиҳ ижоди» саҳифаси таҳририяти**

Тошкент вилояти Эндокринология Диспансерида даволанаётган беморларнинг муружаати

Тел. +998916811688

Холбоева Умри

Мен Холбоева Умри Хамраевна 22 йилдан бери қандли диабет кассалиги билан оғрийман. 2013 йилда мияқард инфаркт олдим. Шундан бери юра олмайман. Тошкент вилояти Эндокринология диспансерида мунтазам даволаниб келардим. 2013 йилдан бери Ж.Ж.Туевда даволанаман. Охириги 1 йил давомида бош шифокор Хидирова Гулбахор Тўраевна Жамшид Жўракуловичда даволашимни билган ҳолда мени касалхонада даволанишга рухсат бермади. Касалхонада даволанишим даврида шифокор Ж.Ж.Туевга босим ўтказиб келинаётганини сезганман. Хидирова Гулбахор Тўраевни мени касалхонада даволанишимга рухсат бермаганидан кейин диспансер худуди атрофидаги хонадонда даволанишимга тўғри келди. Жамшид шу хонадонга бориб, менга ўз тавсияларини бериб, билими билан даволади. Баданимдан 60 литр сув чиқариб, мендай беморга Жамшид жуда керак. Бундай билимли шифокорни кадрлаш керак.

У инсон чэт мамлакатда билим олиб, биздай беморларни дардига шифо бўлапти. Жамшиддан аспирантурага топширинг деганимда у ерни битирганлигини айтди. Мен 30 йиллик стажга эга бўлган ўқитувчи шу инсондаги билимни кўраёпман. Наҳотки комиссия аъзолари шу инсондаги билимни кўра олмаяптилар. Ҳар ойда мунтазам равишда уй шароитида мени кўриқдан ўтказиб ўз тавсияларини беради. Мен Жамшидни нафақат шифокор, балки инсон сифатида ҳам хурмат қиламан.

Ўз навбатида Жамшидни ишларида омад оилавий ҳаётида тинчлик, хотиржамлик тилайман. Бу инсонни ишларига тўсқинлик эмас, балки янада ривожланишига имконият яратиш керак. Сизлардан илтимос шунга ёрдам беришингизни сўрайман.

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Хван Венера
+998909017619

Я болею сахарном диеабетом уже 12 лет тежёлой формы, мне необходимо в год два раза лечение. Лечусь у Ж.Ж. Туева он уже два или три раза вытащил с того света и я рада что у нас работает такое врач, наверное не только я благодарно но и многие люди

нашего колхоза, которые болеют сердечным заболеванием. Несмотря на это доктору не дают работать. Постоянно какие-то, стычке стараются унизить его репутацию. Зачем это нужно??? Все это продолжается уже 2 года. Если он даже уедёт кому нам, простым людям обрушатся??? И вообще, почему нам тяжёлым больным с сахарном диеабетом говорят один раз в год лечение принимать, но

не для меня, мне надо в два раза в год минимум и то это мало. Сама даже лично главврач Г.Т.Хидирова сказала, что следующие раз я не лягу Ж.Туеву даже если я подойду с ордером.

Это несправедливо к больному и к врачу. Пожалуйста, примите меры!!!

ЎХХ тахририятига келган мактуб

*Ўзбекистон Республикаси
Президенти И.А.Каримовга
Ўзбекистон Республикаси
Бош вазири Ш.М.Мирзиёевга
Ўзбекистон Республикаси
Соглиқни сақлаш вазири
А.В.Алимовга
Ўзбекистон Республикаси Бош
Прокуратураси Бош Прокурори
И.Б.Абдуллаевга
Тошкент вилояти
Эндокринология Диспансер
шифокори Ж.Ж.Туевдан
Тел: 998901212449*

Хурматли Ислом Абдуганиевич!

Мен ўз фикр-мулоҳазаларимни ва шикоятларимни билдиришимдан асосий мақсад — тиббиёт соҳасида сурункали давом этаётган ноқонуний амалиётларга ҳамда беморларга эътибор қаратиб, шифокор ва касалхона томонидан нотўғри муолажаларга барҳам бериш кўзланган. Балки, мени ҳаракатларим замон шароитларига мос бўлмаслиги мумкин, лекин Бухоро вилоятининг бир чекка қишлоғида яшайдиган соддадил отам мени ҳалол ва тўғрисиўз қилиб тарбиялб, таълим бердилар. Ёшлик давомида менга бергилган тарбияни ҳаётга тадбиқ қилишни қанда қилмадим. Баъзи инсонлар одамлардаги тўғрисиўзлик ҳамда ҳалолликни шахсий камчилик сифатида баҳо беришади. Замонавий кунда инсон айёр, вазиятга мослашувчан ҳамда ўзинг учун ўл етим нақлига амал қилиб келаяпти. Одамийлик, меҳр, адолат, ахлоқий гўзаллик жамиятдан кўтарилиб бораётганлигини яшириш мумкин эмас. Агар, фуқаролар адолат ва гўзаллик учун ҳаракат қилмасалар, жамиятимиз разолат чангалига тушиб қолиши мумкин. Бугун кўпчиликни тасавурида “адолатни фақатгина аҳмоқ одам талаб қилади”, деган ҳаёл шаклланган. Бундай

ПРЕЗИДЕНТГА ШИКОЯТ

қарашларга қарши чиққан ҳолда сизга шикоят мактубимни битдим.

Шундай қилиб, мен Туев Жамшид Журакулович Тошкент вилояти Эндокринология диспансерида врач кардиолог-эндокринолог вазифасида ишлаб келаман. Менинг мутахассислигим: кардиолог, эндокринолог, кардиолог-функционалист, ортопед-травматолог ва педиатрик бўйича расмий ҳужжатларга эгаман. Юқорида айтиб ўтган касалхонанинг собиқ бош шифокори Комилов Йулчи Турдубоевич томонидан содир этилган ноқонуний ҳақиқатлари ҳақида (2015 йил октябрь-ноябрь ойларида) Тошкент Вилояти Миллий хавфсизлик хизмати бошқармасига ариза билан мурожаат қилганман. Миллий хавфсизлик хизмати ишни Юқори Чирчиқ прокуратурасига ўтказди ва шундан сўнг прокуратура ходимлари мени чақиртириб ғайриқонуний ҳолатлар бўйича тушунтириш хати олишади. Шундан сўнг Юқори Чирчиқ прокуратура терговчиси мендан касалхонада рўй бераётган ғайриқонуний ҳолатлар бўйича қандай ҳужжат ва далиллар борлигини сўрайди. Мен унга касалхонада содир этилган ҳаракатлар бўйича қўлимдаги бор далилий ашёларни тақдим қилдим. 1) Телефондаги шифокор ва ходимларнинг ойлик олмасдан ишлаганлилари ҳақидаги овозли ёзувлар; 2) Беморлар олмаган дори-дармонларига олдим, деб қўл қўйилган ҳужжат ҳамда дориларни олмам деб ёзилган тилхатлар билан бир даста камчиликка йўл қўйилган касаллик тарихларини бердим. Бир кун ўтгандан сўнг, мени прокуратура терговчиси олдиға чақириб, стоматолог вазифасида

ишлаб келаятган Тўлқин исмли шифокорни кўзим олдида сўроқ қилди ва стоматолог икки йилдан бери ойлик маошини олмасдан Бош шифокор ҳисобига ўтаётганлигини оғзаки ва ёзма кўринишида берди. Кейин касалхонада текширувлар бошланди. Текширувлар сохталаштирган ҳамда кўзбуямачилик асосида бош шифокор томонидан огоҳлантирилиб кейин комиссия текшируви сафарбар қилинди.

Мисол тариқасида, диспансер омборхонаси, завхос ва диет ҳамшира, ошпазларогоҳлантирилиб камоматлар вақтинча жойига қўйилди. Текширув давомида менга тилхат ёзиб берган беморларни уйига шифокор Гулбахор Тўраевна ва Аскар Тастановлар бориб, турли йўллар билан беморларни “дориларни олганмиз” деб қайта ариза ёздиришга кўндиради (фактлар қўлимда).

Юқори Чирчиқ прокуратурасига қайта мурожаат қилганимда терговчи менга тақдим этган материаллар ўзимга қарши ишлаши мумкинлигини айтди. Прокуратура терговчисининг сўзларига кўра, унга берган овозли ёзувларда гапирган инсон маст ҳолатда бўлганлиги, стоматологнинг кўрсатмалари эса, кўрқув остида берганлигини айтиб ўтади. Прокуратура терговчисининг сўнги сўзида: “бундан кейин ўзингиздан эҳтиёт бўлиб юринг сизни ўлдириб кетишлари ҳам мумкин, кўпроқ одамлар гов-жум жойларда ва катта йўлнинг чеккароғида юринг” деб мени таҳдидли мазмунда огоҳлантирди. Шундан сўнг қонун ва адолатни назорат қилувчи органдан хафсалам пир бўлиб, уларга ишончсизлигим ортди.

Шу орада Гулбахор Тураевна ҳамда Сидикова Адиба Саиповна томонидан мени обрўсизлантириш

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

мақсадида шанимга нисбатан бўхтон хатини уюштиришди. Унда, мен (Жамшид Журакулович) ахлоқан бузуклигим, турмуш ўртоғим билан ҳамшираларни алдов йўли билан маънавий бузукликка бошлар эканман. Бу ҳам етмагандай, мени касалхона ғазнаси (кассаси)ни ўмарганлигим, хотинбозлик ва миллатчиликда айблаб, барча ходимларни жалб қилган ҳолда А4 форматдаги ёзилмаган оқ қоғозга сохта айблов ташкил этилади ва фақатгина, имзо қўйишади. Имзо қўйилгандан сўнг, амалдаги бош шифокор Гулбахор Тўраевна матнни тузади.

Бундан ташқари, Гулбахор Тўраевна касалхонадан бўшатилган Зулхумор исимли ҳамширани уйига бориб, уни ишга тиклаб бериш эвазига “Жамшид Журакулович мени зўрлаган” деб, хат ташкиллаштиради (ФАКТЛАР ҚЎЛИМДА). Қайд этилган икки сохталашган ҳужжат Тошкент вилоят касаба уюшмаси ва вилоят соғлиқни сақлаш вазирлигига тақдим этилади.

Номлари тилга олинган ҳукумат органлари мени текшириш учун комиссия тузилади ва Тошкент вилояти эндокринология диспансер ходимларини йиғиб муҳокама қилишади. Менга қарши йиғилган барча ҳужжатлар тухмат сифатида ўзи исботини топди. Шунга қарамадан, йиғилиш баённомасидаги фактлар инobatга олинмасдан тухмат қилганларга интизоми чоралар ҳам кўрилмади. Тухмат оқибагида мени ва турмуш уртоғимнинг ор-номуси жамоа олдида пой-мол қилинди. Мен бу ҳолат бўйича қонуний чора кўрилишини талаб қилиб, Юқори Чирчиқ тумани Прокуратурасига ариза билан мурожаат қилдим. Улар менга Гулбахор Тўраевнани тухматона иши кўриб чиқилиши ҳақида 2015- йил 06.15/73 14-238- 14 сонли хатни беришди. Орадан бир қанча вақт ўтгач мен прокуратурага мурожаат қилдим. Мен ва оиламга нисбатан содир этилган ҳуқуқбузарлик иши қандай давом этаётганлигини сўраганимда, прокуратура терговчиси у ишлар тугаб кетганлиги ҳамда судга оширилганлигини таъкидлади. Орадан бир ой ўтгач судга мурожаат қилдим. Судга бориб, Гулбахор Тўраевнага қандай чора кўрилди

деб сўрасам, бизга унақа фамилия остида иш ҳужжати келгани йўқ деб айтишди. Сўнгра, Юқори Чирчиқ Прокуратурасига йўналтиришди. Хуллас, мен давлат органи бўлмиш прокуратура билан суд биноси орасида бир неча мартаба жонли тўпдек футбол қилидим.

Ҳозирда Хидирова Гулбахор Тўраевна диспансер Бош шифокори касалхонага келганидан то кеткунигача УЗИ хонасида ҳеч бир ҳужжат ва асосиз беморларга пуллик хизмат кўрсатади. Буни устига “касал хонага ётқизилиши керак” деб топилган беморларни турли баҳоналар билан касал хонага ётишига қасддан моненлик қиллади (ФАКТЛАР ҚЎЛИМДА). Натижада беморлар турли айланма йўллари қидириб, касалхонага таниш-билишлар орқали ётқизилади. Тошкент вилоятида жойлашган туман тиббиёт муассасаларига бериладиган тиббий ордерларни ҳам бош шифокор белгиланган меъёрдан кам тақсимлайди, қолганини эса беморларга сотади.

Бош шифокорга ҳайри ҳоҳ бўлган шифокорлар томонидан ётиши шарт бўлмаган беморларни 150000-200000 сўм ҳисобида диспансерга йўлланма билан ётқизилади. Бош шифокор ва унинг ҳамтовоғи қабулхона шифокори Адиба СОИПОВНАЛАР биргаликда “воздушный историялар” (ҳаводаги касаллик тарихи), яъни саломатлиги яхши бўлган одамларга ногиронлик гуруҳига эришиш ва узайтириш учун касалхонага ётқизмай касаллик тарихи очилади ва олиб борилади (300000-400000 сўм эвазига, ФАКТЛАР ҚЎЛИМДА). Бундай шахслар асосиз равишда ногиронлик гуруҳларини олиб, давлатнинг мақсадга йўналтирилган пулини талон-тарож қилиб, бюджетга зарар етказмоқда.

Беморнинг Тиббий баённомаларига (касаллик тарихи) келадиган бўлсам, улар ноқонуний пултушумларни яшириш мақсадида сохтакорлик ва меъёрга тўғри келмайдиган тартибда тўлдирилади (ФАКТЛАР ҚЎЛИМДА). Биринчидан, қўйилган саналар ва палата рақамлари ўчириб ёзилган. Иккинчидан, тиббий баённома бошқа киши томонидан тиббий тайин буюрилиб ёзилган. Аслида, ёзув хатлари даволовчи шифокор томонидан ёзилиши керак. Учунчидан, клиник ташхисларнинг аксариятида асосланмаган ва

тиббиёт меъёрларига жавоб бермайди. Тўртинчидан, дори рецеллари бошқа киши томонидан тўлдирилган. Бешинчидан, Тиббий баённомаларда бемор пуллик палатага ётқизилиб ҳамда ўша куни баённомада оддий (пулсиз) палатага ўтказилади. Лекин беморнинг 100% тартибда пуллик палата пули ундирилади. Бироқ бемор тўлаган пули ноқонуний тарзда ҳамёнга тушади. Аслида, кўрсатилган палата беморлар билан тўла бўлсада, тиббий баённомада ўша палата расмийлаштирилади. Буни аниқлаш учун шифохонанинг пост журнали, қабулхона журнали ҳамда касса журналини солиштириш кифоя.

Шунингдек, Бош шифокор буйруғи билан поликлиника рўйхатида турадиган беморларга муддати яқинлашган дори дармонлар амбулатор картага атайин сарф қилинади. Яна бош шифокор назорати остида ўзига ҳайрихоҳ шифокорлар билан биргаликда (Феруза Тавақалловна, Адиба Саиповналар) беморларга асосланмаган ҳолда фирма дори воситалари буюрилиб, пул бонуслари олинади.

Бундан ташқари, Гулбахор Тўраевна диспансер олдида жойлашган дорихона эгаси Азиздан ҳар ой ноқонуний тарзда 500000 сўм пул талаб қилади. Бир марта дорихона бошлиғи “мени бундай пулим йўқ” деса, Бош шифокор ҳамма шифокорларни йиғиб: “ушбу дорихонага беморларни чиқармайсанлар, кимда ким бемор чиқарса менинг душманам” деб таҳдид қилади (ноқонуний ҳолатни аптека бошлиғи АЗИЗНИНГ ШАХСАН ЎЗИ ТАСДИҚЛАЙДИ).

Бугун, бош шифокор Гулбахор Тўраевна мен ва турмуш ўртоғим Хамдамова Умида Каримовнага (у ҳам касалхонада педиатр бўлиб ишлайди) босим ўтказилиб келмоқда. Мисол тариқасида, менда даволаш истагини билдирган беморларга бош шифокор томонидан мен ҳақимда турли хил тухматларни гапиради, ҳатто, кардиолог кўригига муҳтож бўлган беморларни Жамшид Журакуловичга кўрсатманглар деб, шифокорларга захарҳанда буйруғини беради. Менинг обрўйимни беморлар олдида тўкиш мақсадида касаллик тарихидан кўчирмаларга турли важлар билан қўл қўймай мени ва

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

беморларни мунтазам равишда асабийлашувига сабаб бўлмоқда. Мен даволаш ишларини олиб боряётган палаталарга бошқа беморларни агайин ётқизиб бошқа шифокорларни бириктиради. Мен билан мулоқотда бўлган ва хонамга кириб чикан ҳамшираларни бош шифокор мунтазам равишда сўроққа тутиб, асабларини бузади. Бу ҳам етмагандай, менга бириктирилган беморларга тунги навбатчилик пайтда хабар олмаларинг деб, ҳамшираларга нотўғри прафилактика ишларини амалга ошириб келади.

Умуман олганда, тиббиёт даргоҳида беморларга эътиборсизлик, норсоғлом муҳит ҳамда ноқонуний ҳолатлар чуқирлашиб бораётганлигини инкор этиб бўлмайдиган ҳақиқатга айланди. Мен Туев Жамшид Жўрақулович Мазкур шикоят аризасини ёзишни узил кесил бир тўхтамага келишни аҳд қилдим. Қалбим тубида ўзимга-ўзим сўз бердим, агар адолат ва рўшнолик юзага чиқмас экан, минг афсуслар билан жондан азиз она диёримни ташлаб, ўзга юртларда шифокорлик фаолиятини давом эттиришни ният қилдим. Мени шикоят хатларини агайин уюштирувчи ва бундай ҳаракатларни одат тусига айлантириб олган шахс сифатида талқин қилмаслигини истаб қоламан. Агар, менинг малакам давлат амалдорлари ёки етук тиббиёт ходимлари орасида шубҳа тугдиришга сабаб бўладиган бўлса, кардиология, эндокринология, кардиолог-функционалист ва педиатрлик йўналишлари бўйича синовдан ўтказилишига тайёрман. Шу билан бирга, шикоят арзимнинг ижросини ва баъзи бир аниқликлар киритиш зарурати пайдо бўлса, Тошкент вилояти ҳудудида жойлашган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва давлат тасарруфидаги ташкилотларга жўнатмаслигини сўрайман. Чунки, улар муаммони холис, одил ва оқилона ҳал қилинишида шубҳам қатгадир. Шунингдек, Аризада келтириб ўтилган муаммоларни жамият ва миллат саломатлиги учун ўз назоратингизга олишни ва натижаси юзасидан хабардор қилишингизни сўраб қоламан.

**Ҳурмат билан,
Жамшид Жўрақулович Туев**



Малазгиртдан аввалги Онадўлидаги турклар

2005 йилнинг апрел ойида Истанбул Техник Университетида анжуман ўтказган Австралиялик ёзувчи ва ҳужжатли филмлар режиссёри Эрих Фейгл ўз нутқини шундай сўзлар билан тамомлади: “Бу тупроқлар сизларга тегишли. Сизлар Онадўлига Малазгирт зафари билан жойлашмадингиз. Чатолхоюкдаги археологик топилмалар, сизларнинг 10 000 минг йилдан ортиқ вақт давомида бу ерда эканлигингизни исботлайди.” (Манба: Тўфон Туренч, 22 апрел 2005)

Онадўлидаги жуда қадимги турларнинг изларини излаш ҳар доим Қуёш-Тил назариясига отиб масҳара қилинади. Аммо ҳақиқат барибир ҳақиқатдир. Расмий тарих Ария ирқчиси дир. Туркларга ҳеч қандай маданиятни раво кўрмайди. Уларнинг маданиятдан насибсиз кўчманчилар бўлганини тақрор қайтардилар. Ғарбликларнинг бу масала борасидаги қарашлари ҳақида кичик бир мисол келтирайлик.

“Сер Генри Роулинсоннинг Шумар тилини Туроний бир тил ўларок аниқлаштиргани даврда Шумар маданияти ҳали кашф қилинмаганди. Олимлар уларнинг буюк Саамилар маданияти ичида яшаган жамият деб ўйлашарди. Кейинчалик археологик тадқиқотлар Саамилар маданиятининг асл ўзаш бўлган буюк Шумар ҳақиқатини ўртага чиқаргач, Ғарб илмий доиралари Шумарликларга тегишли Туроний тамғасини қўйиб уларнинг

номаълум бир тил ва ирқга тегишли эканликлари тезисини кўтардилар. Шундай қилиб, асримиз бошида профессор Гудспид Шумарларнинг Саамилардан устун маданиятга эга эканликларини, фақат қайси ирқга мансуб эканликлари номаълум бир эканлини ёзган эди.” (Салаҳи Дикар – Турк тилининг беш минг йили)

Отатурк Лозан шартномаси имзоланган кунларда Аданада халқга шундай мурожаат қилган эди:

“...Мамлакатимиз сизникидир, туркларникидир. Бу мамлакат тарихда турк эди, ҳозирда турк ва абадий турк бўлиб яшайди. Ғарчи бу гўзал мамлакат қадим асрлардан бери кўп марта истилоларга дуч келди. Аслида ва энг бошидан Турк ва Туроний бўлган бу ўлкаларни Эронликлар забд этганлар. Сўнгра ўлка бу Эронликларни енгган Искандарнинг кўлига тушганди. Унинг ўлиmidан сўнг мулки тақсимланган вақтда Адана китъаси Силифкиликларда қолган. Бир замон бу ерларга Мисрликлар жойлашди, сўнгра Римликлар истило қилишди, кейин эса Шарқий Рим, яъни Византияликлар кўлига ўтди, кейинчалик Араблар келиб Византияликларни қувдилар. Энг охири Осиёнинг юрагидан бутунлай Турк авлодлари бу ерга келаркан мамлакатни асл ва эски ҳаётига қайтардилар. Мамлакат ниҳоят асл соҳибларининг қўлида қолди.”

“Бу мамлакат дунё кутмаган,

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

асло умид қилмаган шарафли мавжудликка саҳна бўлди. Бу саҳна энг камида 7 минг йиллик бир Турк бешигидир. Бешик табиатнинг шамоли билан тебраниди; бешикнинг ичидаги чақалоқ табиатнинг ёмғири билан ювилди, у чақалоқ табиатнинг чакмоғидан, довулидан аввало кўрқоқдек бўлди, сўнгра уларга ўрганди; Уларнинг ўғли бўлди. Бир кун у табиат боласи Табиат бўлди; чакмоқ, куёш бўлди; Турк бўлди... Турк шудир. Чакмоқдир, довулдир, дунёни ёритган куёшдир.”

“Асло шубҳам йўқдирки, Туркликнинг унутилган маданий хусусияти ва буюк маданий истеъдоди, кейинги ривожланиши билан келажакнинг юксак маданият уфқидан янги бир куёш каби чиқажакдир.”

“Буюк давлатлар қурган аждодимиз буюк ва бардавом маданиятларга соҳиб бўлишган. Буни излаш, тадқиқ қилиш, Туркликка ва жаҳонга билдириш биз учун бир бурчдир. Турк фарзанди аждодини танидикча янада буюк ишлар бажариш учун ўзида қувват топади.”

Хақиқий Турк тарихининг идрок этилиши тилаги билан ...

Салаҳи Дикар

1071 йилги Малазгирт жангидан, Ўғуз қабилаларининг келишидан аввал Онадўли ва Месопотамияни юрт тутган баъзи Турк қабилалари шулар.

Кўрғонлар милоддан аввалги (м.а.) 6000

Шумарлар м.а. 4000

Туруклар м.а. 4000

Туркий Қироллиги м.а. 3000

Гутилар м.а. 2150
Гаскалар м.а. 1550-1525
Киммарлар м.а. 1900
Қумуқ Турклари м.а. 876
Исқитлар м.а. 800
Пактуқлар м.а. 552
Амазонлар м.а. 4 й.й.
Хунлар милодий (м.) 3 й.й.
Оғачерилар м. 466
Сабир Гур Турклари м. 515

Булардан ташқари Ўғуз Туркларидан бир неча аср аввал Булғор, Кумон, Хазар ва Авар Турклари ҳам Онадўлига жойлашганлари ҳақида маълумотлар бор.

Изоҳ: Юқорида номи келтирилган Оғачерилар бугун Ўрта ер денгизи ва Эгей денгизида яшайдиган Тахтачи Туркман Алавийлардир.

Туркия туркчасидан ўзбекчалаштирилди

ЖАНОБ ШОРИХСИЕВ!

Сиз болалар боғчасидаги бебош болакайларни овутиш мақсадида чўпчак тўқийдиган боғча опа эмассиз!

Сиз мустақил мамлакат Ички Ишлар Вазирлигининг масъул лавозимидаги амалдорисиз! Қонуншунносиз!

Аравани қуруқ олиб қочишни, “Алдагани бола яхши” қабилида аҳолини алдашни бас қилинг!

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти
И. А. КАРИМОВга
Нухаси: Ўзбекистон
Республикаси Олий Мажлис
Сенатининг раиси
Ниғматулла ЙЎЛДОШЕВГА
Ўзбекистон Республикаси Бош
прокурори
Ихтиёр АБДУЛЛАЕВга
Ўзбекистон Республикаси
Ички ишлар вазири
Адхам АХМАДБОЕВга
Ўзбекистон Республикаси
ИИВ Хорижга чиқиш-кириш
ва фуқароликни
расмийлаштириш бошқармаси
бошлиғи Б. ШОРИХСИЕВга
Алимбекова Зарнигор
Авазовнадан
АСОСИЙ ЯШАШ
МАНЗИЛИ: Тошаент шаҳри,
Учтепа тумани, Чилонзор,
23-мавзе, 16-уй, 39-холнадон.
Тел: +99894 6541282**

ШИКОЯТ

ШИКОЯТ

(ИИВ ХЧК ва ФРБ бошлиғи Б. Шорихсиевнинг 2016 йилнинг 23 июнь куни мужмал мазмундаги №22/А-408, А-412 – сонли ахмоқона жавоб хати юзасидан шикоят)

Муҳтарам ҳукумат мулозимлари! Муҳтарам Ички ишлар вазири Аҳмадбоев!

Республика ИИВ ХЧК ва ФРБ бошлиғи Шорихсиев жаноблари!

Мен шу йилнинг 16 май куни ҳукуматнинг юқори турувчи идораларига, сизларга Самарқанд вилоят ИИВ ХЧК ва ФРБ бошлиғи ва ходимларининг ноқонуний ҳаракатларидан арз қиларканман, “Қай вақтларга кўра менга ҳорижга чиқиш визаси бериш рад этилганлиги сабабини изоҳлашингизни, нима учун менинг Конституция билан кафолатлаб кўйилган чет элга чиқиш ҳуқуқим паймол этилганлиги сабабини асослаб беришингизни сўрайман” деган талабни илгари сурган эдим. Мен Ўз Конституцион ҳуқуқимни талаб қилмоқдаман.

Сиз эса, жаноб Бадриддин Шорихсиев, нуфузли органнинг раҳбари бўла туриб, юқоридаги мазмундаги шикоятимга Самарқанд вилоят ОВИР томонидан менинг ҳорижга чиқиш ҳуқуқим нима сабабдан чекланганлигини қонун асосида асослаб бериш ўрнига, 2016 йилнинг 23 июнь куни №22/А-408, А-412 – сонли мужмал

маънодаги ахмоқона жавоб хати йўллаб ўтирибсиз.

Сиз “... Сизга аввал маълум қилганимиздек, Самарқанд вилоят ИИВ ХЧК ва ФРБ бўлимига 14.03.2016 йилда Хитой давлатига вақтинча чиқиш учун рухсат бериш ёзувининг ёпиштириладиган стикерини расмийлаштириш юзасидан ариза – анкета билан қилган мурожаатингиз, кўриб чиқиш натижаларига кўра чет элга чиқишингиз мақсадга мувофиқ эмас деб топилган” дея жимжимадор имзо қўйилган ўз жавоб хатингизни ўта ахмоқона эканлигини ўзингиз, ходимларингиз ҳам жуда яхши англаганингиз боис ҳам мантқиқсиз мактубингизни почта орқали менинг манзилимга йўллашни лозим топмагансиз. Ва шунчаки ҳисоботга тиргак қилиш мақсадида иш хонангизда чанг босиб ётган менинг “дело”м ичига Хўжамқўрсин учунгина кистириб кўя қолгансиз, холос.

Шу боис ҳам мен шикоят хатимга “Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонунда белгиланган муддат ўтиб кетган бўлишига қарамасдан, масъул идоралардан жавоб хати ололмадим. Оқибат, 2016 йилнинг 8 июль куни шикоятимга ўз вақтида ёзма жавоб берилмаганлиги важи билан Республика ИИВ ХЧК ва ФРБси биносига боришга мажбур бўлдим. Мабодо, бормаганимда эди, сиз томонингиздан йўлланган ғализ жавоб хатининг ушбу нухасини

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

ҳамон қўлга кирита олмаган бўлардим.

Муҳтарам Шорихсиев жаноблари!

Сиз менга “Самаркнад вилоят ИИБ ХЧК ва ФРБ бўлимига 14.03.2016 йилда Хитой давлатига вақтинча чиқиш учун рухсат бериш ёзувининг ёпиштириладиган стикерини расмийлаштириш юзасидан ариза – анкета билан қилган мувожаатингиз...” дея таъкидлайсиз ўз хатингизда!

Жаноб!

14.03.2016 йилда Самаркнад вилоят ИИБ ХЧК ва ФРБга ҳужжат топширганим сиз жавоб хатингизда таъкидлаб ёдимга солиб қўймасангиз ҳам ўзимга ойнадек аён. Ўзим билган нарсани менга дастаклашнинг ҳожати йўқ!

Ва яна жавоб хатингизда “... кўриб чиқиш натижаларига кўра чет элга чиқишингиз мақсадга мувофиқ эмас деб топилган” дея чайналасиз!

Нега чайналасиз?

Ахир “... мақсадга мувофиқ эмас деб топилган”лиги учун ҳам сизга шикоят ёзганману, шундай эмасми?

Бунингдек мужмал жавоб хатини сизга имзолатиш учун қай бир ходимингиз қоралаб берди?

Матн муаллифи ким?

Жавоб хатингиздан кўриниб турибдики, менинг саволларимга, “Нима сабабдан менинг Конституция билан кафолатлаб қўйилган ҳорижга чиқиш ҳуқуқим топталди, нега менга чет элга чиқиш визаси берилмади?” деган мазмундаги ҳаққоний талабларимга жавоб беришдан қочиб, умумий гаплар атрофида айланиб, аравани курук олиб қочишга урингансиз, қоғозни қоралаш учунгина ўзим билган, ўзимга аён ҳақиқатларни ўзимга рўқач қилгансиз.

Ҳуқуқат, айниқса, қонун идоралари фактга, исбот-далилга таянади!

Бунингдек олди-қочди гапларни гўдақларга чўпчак сифатида айтиш мумкин холос!

Сиз болалар боғчасидаги бебош болакайларни овутиш мақсадида чўпчак тўқийдиган боғча опа эмассиз!

Сиз мустақил мамлакат Ички ишлар вазирлигининг масъул лавозимидаги амалдорисиз! Қонуншуноссиз!

Жаноб Шорихсиев!

Мен 22 ёшдаман. Оилалиман.

Шу пайтгача ҳеч бир ҳорижий

давлатда бўлмаганман.

Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элга чиқиши ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириши ТАРТИБИ” тўғрисидаги қарорнинг “Ш. Чет элга бориш ҳуқуқидаги чеклашлар” деб номланувчи бобида чет элга бориш ҳуқуқини чеклашга асос бўладиган ҳолатлар санаб ўтилган:

“... Ш. Чет элга бориш ҳуқуқидаги чеклашлар

Куйидаги сабаблар чет элга бориш ҳуқуқини чеклаш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин:

а) агар шахс давлат сири ҳисобланган маълумотлардан воқиф бўлса ёки унинг чет элга боришига монелик қилувчи бошқа шартнома, контракт мажбуриятлари амалда бўлса — бу ҳолатларнинг амал қилиши тугагунга қадар;

б) агар шахсга нисбатан жиноий иш кўзғатилган бўлса — иш бўйича якуний қарор қабул қилингунга қадар;

в) агар шахс суднинг ҳукми билан алоҳида хавfli рецидивист деб тан олинган ёки ички ишлар органларининг маъмурий назорати остида бўлса — судланганлик бекор қилинмагун (олиб ташланмагун) га қадар ёки назорат қилиш тўхтатилгунгача;

г) агар шахсда суд томонидан юкланган ижро этилмаган мажбуриятлар бўлса — мажбуриятлар ижро этилгунга қадар;

д) агар шахс ўзи тўғрисида қасдан сохта маълумотларни берган бўлса;

е) агар судда шахсга нисбатан фуқаролик даъвоси кўзғатилган бўлса — иш кўриб чиқилгунга қадар;

ж) агар шахс чақирик участкасида рўйхатга олинган ва ҳақиқий муддатли ҳарбий хизматга чақирилиши керак бўлса — ҳақиқий муддатли хизматни ёки сафарбарлик чақируви захирасидаги хизматни ўтагунга қадар Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ ундан озод қилингунга қадар;

з) агар шахсга нисбатан Ички ишлар вазирлигида ёки Ташқи ишлар вазирлигида ваколатли органларнинг ушбу шахснинг чет элда бўлган вақтда келган мамлақати қонунларини бузганлиги (қонун бузилишлари рўйхати тегишли органлар томонидан белгиланади) тўғрисидаги ахбороти, шунингдек бориши мақсадга мувофиқ

эмаслигини кўрсатадиган ахбороти мавжуд бўлса — ахборот ҳисобга олинган кундан бошлаб икки йил ўтгунга қадар...”

Энди айтингчи, Мазкур қарорнинг қай бир бандига асосан менинг чет элга чиқиш ҳуқуқим чекланди?:

Давлат сиридан воқифманми, ёки менга нисбатан жиноят иши кўзғатилганми? Вазирлар Маҳкамасининг қароридаги Ш-қисмининг А)-банди асосида, Б)-бандими, ёки В), Г), Д), Е), Ж), З) бандида кўрсатилган вазжларнинг қай бири асосида менга ҳорижга чиқиш визаси, стикер берилмади?

Менга аниқ жавоб керак: Айтинг, “Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элга чиқиши ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириши ТАРТИБИ” тўғрисидаги қарорнинг “Ш. Чет элга бориш ҳуқуқидаги чеклашлар” деб номланувчи қисмининг, дейлик, г) (агар шахсда суд томонидан юкланган ижро этилмаган мажбуриятлар бўлса — мажбуриятлар ижро этилгунга қадар;) бандига асосан Алимбековага чиқиш визаси берилмайди, унинг ҳорижга чиқиши мақсадга мувофиқ эмас деб топилди ва бу қонуний”, дея нега қонун асосида изоҳли жавоб хати ёзмайсиз?

Негалигини мен билан!

Негаки, менинг ҳорижга чиқишга бўлган Конституцион ҳуқуқим ИИБ ХЧК ва ФРБ ходимлари томонидан кўпол тарзда топталганини биласиз!

Шу сабаб ҳам асосли тарзда жавоб хати ёзишга ожизсиз!

Муҳтарам Бадриддин Шорихсиев!

Бир қолипдаги олди-қочдиларни бир чтега суриб қўйишингизни ва Самарканд вилоят ИИБ ХЧК ва ФРБ томонидан нима сабабдан менга ҳорижга чиқиш рухсатномаси берилмаганлигини ва бунинг ортидан Конституция томонидан кафолатланган ҳуқуқларим нима важдан паймол этилганлигининг сабабини қонуна асослаб беришингизни талаб қиламан.

Илова:

1.2016 йилнинг 16 июнь куни юқори идораларга, жумладан сизга йўллаган шикоят аризамдан нусха;

2.2016 йилнинг 23 июнь куни №/22/А-408, А-412 _ сонли жавоб хатингиз нусхаси

Алимбекова Зарнигор

9 июль, 2016 йил.



ОЛМОН ДОКТОРИ ҲАРОРАТНИ КЎТАРИШ ЙЎЛИ БИЛАН САРАТОННИ ЕНГДИ

Саратонинг энг оғир ҳолатларини бошдан кечирishi айтилган Олмониялик доктор тана ҳароратини кўтариш йўли билан касалликни енгди.

Олмониялик доктор Роберт Гортер 1976 йилда тиббиёт факултетини энди битирган кунларда саратонга учради. Унга 4 босқичдаги мойклар саратони ташҳиси қўйилди. Устозларининг айтишича уч ойлик умри қолган эди. Аммо у бунга ишонмади. Кимётерапия ва радиотерапия каби анъанавий даволаш усулларига ҳам ишонмасди. Шифокор сифатида иситманинг иммун тизимини мустаҳкамлашга бир таъсири борлигини биларди. Зеро шу сабабдан хасталанганимиз замон иситмамиз кўтарилмайдими? Шунда у қарор қилди. Иситмасини онгли равишда кўтариб ва иммун тизимини қамчилаб, маълум бўлган омега ўти экстрактини ўз қонига инекция қилиш ёрдамида даволанмоқчи эди. Умидсизлик нималигини билмаслик ва ижобий фикрлаш усуллари билан саратонни бир йилдан оз вақт ичида енгди. Сўнгра ҳаётини бу усулни барча саратонга чалинган хасталарига тадбиқ қилишга бағишлади. Тахминан 30 йилдир, ўзи асосчиси бўлган Келн тиббиёт марказида иситма, яъни гипертермия муоладаси билан энг оғир саратон ҳолатларига умид бўлган доктор Гортер билан даволаш усули ҳақда батафсил суҳбатлашдик.

Сиз топган бу даволаш усули қандай манتيққа асосланган?

Тиббиётдан шуни биламизки, вужуд ҳарорати кўтарилганда иммунитет мудофаа қўшинининг барчаси фаол ҳолга келади. Ҳатто бироз иситма ҳам танада актив равишда айланаётган иммун ҳужайралари сонини икки баробарга оширади.

Аммо биз умуман тескариси, яъни иситмани ёмон ҳолат сифатида биламиз ва касалланганимизда ҳароратни туширишга урунамиз...

Ҳақиқатда эса тескариси. Янги туғилган бир чақалоқ илк йилида ўртача етти маротаба вирусли инфекцияни бошдан кечиради ва болалик даврида ҳам иситма чиқишига сабаб бўлган бошқа касалликларга учрайди. Бу иситма босқичлари уни келажакда дуч келадиган саратон каби касалликлардан асрайдиган иммун тизимининг ривожланишини бошлаб беради.

У ҳолда саратон билан касалланганларнинг соғлом инсонларга қийёсланда бир иситма муаммоси бўладими?

Саратонга учраганларнинг иситмаси чиқмаслигини кузатишимиз мумкин. Сўнги бир неча йилда тез-тез совуқ қотишларини, қўл ва оёқларининг музлаганини айтадилар.

Саратонга учраган инсонларда ташҳисдан аввал бошқа қандай асоратлар кузатлади?

Саратон хасталари одатда ҳеч касал бўлмаганларини айтишади. Бу касалларнинг ич ҳароратлари

соғлом инсонларникидан ўртача 0.5 даража пастрок бўлади. Беморлар қисқа вақт тамоқ оғриқларига учраганликларини, шамоллаганликларини, аммо бу ҳолларда иситма кузатилмаганини айтишади. Иситмалари чикганда ҳам дарров аспирин, тийленол ёки интибиотик қўлланишади. Бу дорилар эса иситмани тушириб, иситма тизимининг доимий ҳолда бузилишига йўл очади.

Нормал ич ҳароратимиз қандай бўлиши керак ва саратон хасталарида бу ҳолат қандай?

Барча саратон хасталарида ички ҳарорат 36.4 даражадир, бу эса соғлом инсонларникидан 0.5 даража пастрок.

38.8 ДАРАЖА ҲАРОРАТНИНГ СИРИ

Хўш, марказингизда қандай даволаш усулига амал қиласиз?

Вужуд ҳарорати 38.5 даражага чикганидек иммун тизими актив ҳолатга кечади. Бу иссиқликда қондаги иммунитет кимёвий моддалари олти соатда икки баробар ошади. Саратон хасталарининг иммунитет тизимини такрор ҳаракатга келтириш учун бутун бадан гипертермиясидан қўлланамиз. Яъни бутун вужуд ҳароратини 39, ҳатто баъзи ҳолатларда 40 даражага қадар кўтарамиз. Саратонли қисмларга тўғридан-тўғри иссиқлик амалиётларини амалга оширамиз, бу ҳол эса 42 даражалик иссиқлик билан бажарилади. Бу ҳолатда саратон ҳужайралари каби атрофидаги соғлом ҳужайралар ҳам ҳеч қандай зарар кўрмайдилар. Иситишни инфрақизил лампалари билан амалга оширамиз. Бугунга қадар ўтказилган тадқиқотлар саратон ҳужайраларининг 38.8 даражада ўлишни бошлашларини ва 42 даражада қаерда бўлса ҳам барча саратон ҳужайраларининг йўқ қилинганлигини кўрсатмоқда.

Ёшлигингизда сиз баданингизни қандай иситган эдингиз?

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Мен ҳафтада икки кун 42 даражалик иссиқ сувли ваннага кирардим. “Фақатгина иситмани кўтарибгина барча касалликларни даволай оламан” деган Юнон доктори Парменидес миллоддан аввалги 500-йилларда... Иситма ва иссиқлик терапияси антик даврлардан буён маълум. Римликларнинг иссиқ олтингугурт ванналари, Фин ҳаммомлари, Оврупо ва Американинг СПА амалиётлари, Япон жақузилари, Ҳиндуларнинг терлаш чодирлари ва бутун дунё бўйлаб даволаш мақсадида қўлланиладиган иссиқ сув манбалари бунинг бир мисолидир. Иситмадан ташқари қонимга омега ўти экстрактини укол қилардим, бу ўсимлик иммунитет тизимини қувватлантирувчи жуда муҳим бир ўтдир. Ҳозирги вақтда ҳам Олмония, Швейцария, Австрия ва Ўрта Овруподаги саратон хасталарининг таҳминан 70 фоизи омега ўтидан фойдаланишади.

САЛБИЙ ТАЪСИРИ ЙЎҚ

Ҳўш, кимётерапия ва радиотерапия ҳақида нима деб ўйлайсиз?

Балки хабаримиз йўқдир, аммо ҳаммамизнинг қонимизда доимо саратон хужайралари айланиб юради ва иммунитет тизимимиз узуликсиз равишда уларни

топиб ўлдиради. Кимётерапия ва радиотерапия эса иммун тизимини заифлаштиради ва беморни чарчатиб янада хаста қилади. Менинг услубим салбий таъсирсиз бир даволаш усулидир ва бошқа даволаш йўллари билан бир вақтда қўлланиши мумкин.

Яна беморларда вакцинация усулини ҳам қўлланаёйсиз, бу нима учун?

Ҳа, беморнинг қонида иммунитет тизимини ҳаракатга келтириш хусусияти бўлган дендритик хужайраларни олиб, кўпайтириб қайта томирларга юборамиз.

Иситма саратонни қандай енгади, биров мантисини тушунтира оласизми?

Саратон хужайраларининг иммун тизимидан сақланиш, яъни ўзини яшириш мақсадида тутилишдан қутулиш каби бир маҳорати ҳам бор. Бутун бадан иситма терапияси ва локал гипертермия бу яшириниш механизмини тўсади. Ҳароратдаги ҳам бир даражанинг ортиши, сут кислотаси ишлаб чиқарилишини саратон хужайраларининг бўғилишига етарли даражада орттиради. Саратон хужайралари бутун кучларини ўртага қўйиб ўзларини қутган ўлим билан курашишга ҳаракат қиладилар, шунинг учун қочиб қутулиш механизмини юклаб оладилар. Саратон хужайралари қочиб

механизмини юклаб олганларида, яланғоч саратон хужайраларини бу ҳолда жуда осон кўрувчи дендритик хужайралар томонидан осонгина аниқланади ва иммунитет тизими жосуслари томонидан ўлдириладилар.

УЙҚУ РЕЖАСИГА ЭЪТИБОР БЕРИШ

Саратоннинг энг муҳим сабаби нима деб ўйлайсиз?

Бир қанча сабаблари бор, аммо менимча тана ритми жуда ҳам муҳим. Саратон хасталари охириги бир неча йилда доимий уйқу билан ухлай олмасликларини айтадилар. Ҳамшира ёки фабрика ишчиси каби сменли ишлайдиганлар ёки тез-тез узоқ масофаларга учиб соат фарқида дуч келганлар ёки режасиз уйқу одати соҳибларининг саратонга чалиниш эҳтимоли анча юқоридир. Мисол учун авиакомпанияларнинг аёл ходимларида аҳолининг қолган қисмига нисбатан икки маротаба ортиқ кўкрак саратони ҳолатлари аниқланган. Албатта бу шимол-жануб учишларида эмас, соат фарқини бошдан кечирувчи шарқ-ғарб учишларида таъсир қилади.

Доктор Роберт Гортер алоқа маълумотлари

Веб-сайти: <http://robert-gorter.info/>
Почта манзили: info@gorter-model.org

ЎХХ хабарлар бўлими

Туркия президенти Ражаб Тойиб Эрдўғон сешанба куни Истанбулда журналистлар олдида сўзга чиқиб, 2016 йил 28 июн кунги Отатурк аэропортидаги террор ҳужумларини уюштиришда, таҳминларга кўра Россия ва яна икки МДҲ давлати фуқаролари қатнашганини эълон қилди.

“Террор ҳужумлари билан боғлиқ хибсга олинганлар сони 30 тага етди. Ушбу шахслар ёрдамида биз муҳум ва аниқ хулосаларга кела оламиз... Кўриб турганингиздек, биз Доғистон, Қирғизистон ва Тожикистон фуқаролари билан тергов олиб бораёямиз. Афсуски, ушбу воқеалар бизга қўшни ва яқин мамлакатлар фуқаролари билан боғлиқ”, - дея таъкидлаган Эрдўғон.

Эслагиб ўтамиз, аввал “Yeni Şafak” Туркиянинг ҳукумат газетаси Истанбул аэропортидаги террор ҳужумларини Россия,



Истанбулдаги портлашларни уюштирганлар орасида Доғистон, Қирғизистон ва Тожикистон фуқаролари бор

Қирғизистон ва Ўзбекистон фуқаролари уюштиришган дея хабар берган эди, ва бу воқеаларга Тожикистон фуқаросининг алоқаси

бўлиши мумкинлиши ҳақида умуман маълумот йўқ эди.

ЎХХ хабарлар бўлими

Мен ҳозир тўхталмоқчи бўлган воқеа тўғрисида ёзиш ниятим йўқ эди. Лекин инсоннинг ҳақиқий қиёфасини кўрмоқчи бўлсангиз унинг ҳаёти давомида қилган яхши-ёмон ишларини сарҳисоб қилганингизда аслида унинг қандай одам эканлиги кўз олдингизда намаён бўлади, уни яқиндан билсангиз албатта.

Мен ана шундай инсон, турмуш ўртоғимнинг жияни “Акбар-Азизий” ХКнинг соҳиби Адхам Фаттоҳовнинг инсоний қирралари тўғрисида тўхталмоқчиман. Одамлар орасида пул одамни ўзгартириб юборади, “фалончи илгари тупша-тузик одам эди, бугун пулдор бўлиб ҳеч кимни назарига илмай кўйибди.” деган гапларни кўп эшитамизу, маъносига ҳар доим ҳам эътибор беравермаймиз. Пул одамни қандай ўзгартириб ҳайвоний қиёфага киргизишини А.Фаттоҳов тимсолида кўрдим. А.Фаттоҳов дўсти Президент маслаҳатчиси бўлган Тохир Иминов билан тўрт йил давомида Ўзпахтасаноатнинг бир неча юз млн АКШ доллари микдоридоги пулларини ўмарганидан кейин бир думалаб бутунлай бошқа одамга айланди қолди. Пули кўпайгани сари иштаҳаси янада ғакалак отди. Энди унга ўғирланган бир неча юз млн АКШ долларлари чақадай туйиливерди. Узини тўрт тамонга уриб бойлигига бойлик кўшиш илинжида ҳеч қандай тубанликлардан қайтмайдиган бўлди. Борган сари кўзи оч бўлиб, инсофини йўқотиб энди ўзига яқин юрганларни қақшата бошлади. Шундайларга қарата айтишган бўлса керак-да, “кўзи очнинг кўзини бир сиким турпоқ тўлдирди ёки Кўзи очга дунё бир чақа” деб.

Турмуш ўртоғим Ф.Негманов “Акбар-Азизий” ХКда иш юритувчи директор, мен иқтисодчи бўлиб ишлаганмиз. Тўрт йил давомида Ўзпахтасаноат пулларининг талон-тароҳ қилинганлигига ва бу ишга Т.Иминовнинг жинойи акахонлик қилганига беихтиёр гувоҳ бўлиб қолган эдик Ишлари битгач улар биринчи навбатда ҳамма ишни ўз номидан бажаришга мажбур бўлган Ф.Негмановни йўқ қилишни ният қилишган экан. Шу нияти йўлида А.Фаттоҳов ҳар гал уйига борган Ф.Негмановни меҳмон қилиб оз-оздан овқатига зарарли моддалар кўшиб беришни одат қилади. Ҳар сафар жиянининг уйдан меҳмондорчиликдан келган



Бойлик васвасаси

эрим ўзини ёмон ҳис қилиб менга жиянидан гумони борлигини айтди. Шундан кейин орадаги борди-келди тўхтади. Орадан маълум вақт ўтиб овқатга кўшиб берилган кўшимчалар ўз кучини кўрсатди. Соғ-саломат ишлаб юрган одам тўсатдан ўзини ёмон ҳис қилаётганини айтди. Мен тез тиббий ёрдам қақирдим. Келган доктор эримни касалхонага ётқизиш кераклигини айтиб касалхонага олиб кетди. Тоғасининг касалхонага тушганини эшитган сониядан А.Фаттоҳов унинг бошида парвона бўлди. Мени бир чеккага қақириб қариндош уники эканлигини, ҳамма сарф ҳаражатларни ўзи кўтаришини, менинг ҳеч нарсага аралашмаслигимни талаб қилди. Докторлар билан ҳам фақат ўзи гаплашди. Мен докторларга муурожаат қилсам улар “ҳозиргина қариндошингиз билан гаплашдик, ундан сўранг” деб жавоб беришарди. Эримнинг аҳволи эса соат сайит ёмонлашарди. Бу ҳолатдан норози бўлиб А.Фаттоҳовга эримни бошқа яхшироқ касалхонага ётқизайлик десам у кўнмади. Мен пайт пойлаб, унинг йўқлигидан фойдаланиб касалхонага тушганининг учинчи куни эримни 16чи шаҳар клиникасига олиб кетдим. У ердаги докторлар беморни обдон кўриқдан ўтказиб менга “эссиз нега кеча олиб келмадингиз, бундай ташхис билан беморни бемалол ҳаётга қайтарар эдик, лекин энди кеч” дейишди. Мен кеч тушиндим А.Фаттоҳов икки кун эримнинг бошида вақтдан ютиш мақсадида ўтирганини, у билган беморга зудлик билан ёрдам кераклигини ва аҳволи ўнглаб бўлмайдиган даражага етгунча бошида ўтирган.

Ф.Негманов танг аҳволда ётганида бошида турган жияни

А.Фаттоҳовга кўрсатгич бармоғини бигиз қилиб силкитиб, норози нигоҳ билан тикилиб тишларини ғижирлатган эди. Унинг нигоҳида “охири ниятингга етаяпсан-а, мен ҳаммасини биламан, ҳап саними!” деган маъно бор эди. Жияни унинг нигоҳига дош бераолмай мийиғида тантановор кулиб ерга қаради. А.Фаттоҳов шу йўсинда ўз тоғасининг бошига етди, ўғлимни ота меҳридан маҳрум қилди. У жуда даҳшатли одам.

Эримнинг вафотидан кейин, тўртинчи куни иккита эркак билан уйимга келган А.Фаттоҳов “уй ва уйдаги барча жихозлар уники эканлигини, Нексия машинасини эса ҳозир олиб кетмоқчи эканлигини айтди. Эрим машина “Акбар-Азизий” ХКга хизмат қилгач фирма номида тура қолсин, кам ҳарж бўлади” деб машинани пули тўлиқ берилган бўлса ҳам ўз номига ўтказмаган эди. Мен шуларни эслатсам у “мен шу ўн йиллик эски машинага зор эмасман, лекин сенга бергандан кўра устига бир баклашка бензин секиб ёқиб юбораман” деди. Бу воқеалардан кейин ҳам “менинг қариндошим ўлиб кетди, сен ва сенинг ўғлинг менга ҳеч кимсизлар” деб кун бермай кўйди. Орадан бир йил ўтгач мен унинг кирдикорлари тўғрисида ёза бошладим. Энди А.Фаттоҳов мени йўқ қилиш пайига тушди. Учта синглисига мени қалтаклатишга ҳаракат қилиб кўрди, улдасидан чиқолмади. Бектемир туман поликлиникаси тўла ходимлари билан ШССВ буйриғи билан, танишларини ишга солиб мени жиннихонага ётқизишга ҳаракат қила бошлади. Ҳатто машинада уйимга мени олиб кетиш учун докторлар келишди. Эшикни очмадим.

Бугунги кунда 27.06.16й кундан 07.07.16й кунгача ўн бир кун давомида ёлғиз фарзандим ўғлимни Бектемир тумани ИИБ ходимлари қаерга олиб кетгани номаълумлигича қолмоқда. Мен туман ИИБсига борсам мени кўриб эшикларини қулфлаб олишади, ҳеч ким саволларимга жавоб бермайди. Энди навбат 22 ёшли айибсиз ўғлимга келган кўринадиди. Ўғлимни олиб кетишганини эшитиб оёқларим ўзимга бўй сунмай кўйди. Мен икки кун юролмай қолдим. Улар мени тирик мурда қилиб кўйишди. Булар А.Фаттоҳовнинг менинг оиламга етказган озорлари, зулумларининг бир парчаси эди.

Чамангул Негманова

Ўзбекистон Республикаси
вазирлар маҳкамаси раиси
Ш.Мирзиёевга
Нусхалари Уз.Р.Бош
прокурорига
ЎзР.Ташқи Ишлар Вазир
Абдулазиз Комиловга
ЎзР.МХХ(оддий халқ учун энг
хавфли) раиси Р.Иноятовга
ЎзР.ИИВ(жудям хавфли)
бошлиғига
Барча оммавий ахборат
воситаларига ва оммага

Билдиришнома

Тошкент шаҳрининг Халқаро
рейтингдаги ўрни

“Озодлик” 24 май куни ўзининг
OzodlikOnline дастурида Тошкентни
Халқлар рейтингдаги ўрни ҳақида
сўз юритди. 21 майда Mtreeg
фирмаси эълон қилган Qual-
ity of Living Index – Хаёт сифати
Индекси бўйича Тошкент энг охири
поғонада экан.

“Озодлик”да бу рейтингга
нисбатан билдирилган салбий
фикрлар(барчаси) деярлик тўғри,
чуни у оддий халқни бошидаги
кулфатдир. Шу ерда мен Farhod
исмли шархловчига баъзи
мунозарали фикрларни айтиб
ўтқочиман.Кўпчилик, жумладан
Farhod ҳам тан олганидек,афсуски,
қанчалик оғир ва оғриқлик
бўлмасин, ҳисоботда келтирилган
тахлилий далиллар ҳақиқатдир!

1) Бу таҳлилга қарши петиция
уюштироқчи бўлганлар кимлар
— аҳолининг қайси қатламидан
ва нимага асосланиб норозилик
аксиясини уюштироқчи экан ???

Мен туб Тошкентликман, кундан
кунга кун баттар бўлиб,Тошкентнинг
нафақат,шарқона меъморий
қийфаси, хатто табиий қийфасига
катта таъсир кўрсатаётган асосий
нарсалар-нинг энг дахшатлиси, оқиб
келган икки оёқли махлуқларнинг
фел атвори,шаҳарда ўзини
бошқараолмай, вахшийларча
муомалада бўлиши(бу эса эркинлик
— арқондан ечилиб, яйлов-га
чиқди-да),қолаберса, ювиқсиз
башаралар, сассиқ(астағфируллаҳ)
жасадлар, менинг асл
Тошкентимдан нишона қолмаганига
асосий далил бўлмоқда.Шаҳарни
“ободонлаштира-ётган” ГОТИК
услугадаги,қаланғи-қасанғи бир
биридан банландликда ким ўзарга
пойга-сида қалаштириб қуриб
ташланган келгинди порахўр,
товламачи, каззоб, жаллод чўчкабо-
қарларнинг шахсий саройлари эмас,
шаҳарни кўрки, унда истиқомат
қилаётган аҳоли белгайди.
Тошкентдаги миллийлик,шарқона
меъморчилик санъатига эга,
ҳақиқий ўзбеко-на иморатлардан
нишона ҳам қолдирилмай, юқорида
ёзилганидек, худди ғарбдаги каби
6 ой қишда қор тинимсиз ёғиб,

томини босиб қоладигандек готик
услугадаги,бир биридан баланд,
чўққисимон бадбашара, қаланғи-
қасанғи иморатлар кимларники?

Аввало шаҳар холатини
белгиловчи асосий омил аҳоли ва
унинг имони— маънавияти, рухияти,
дид- фаросати, ақл-заковатидир
Чунки ИМОНЛИ кимсанинг.юзидан
нур ёғилиб туради. Имонли кишида
Ааллоҳдан кўрқиб бўлгани учун
ҳам, инсоф,диёнат, ваъдасига
амал қилиш, бировни ҳақидан
кўрқиб, яъни, барча яхшиликларни
ўзида мужассамлаш-тиради ва
атрофидагаларга ўрнатиб бўлиши
блан,аҳолининг рухиятига катта
таъсир ўткази ва шаҳар аҳолисида

ғиёхвандлару, киморвозлар,
порахўрлару, қароқчиларга, қотилу,
жаллодларга, назиров,ёқубов
каби хоину миллатпурушларга,
дин қобуғидаги турсунуво каби
дунпурушлару, мунофиқлару,
муртадларга тўлиб тошиб, битта
ҳароми валадизино бошқарувида
Урта Осийдаги каттакон
ахлатхонага айланиб бўлди.Бу
деган сўз, Тошкентда, нафақат
иктисодий — ижтимоий таназзулни,
энг фожиалиси, маъна-вий, рухий
таназзулни ўта чуқурлиғини
инкор этиб бўлмаслиғидир Чунки
миллатининг дурларини турли
диний айблар блан ўлдирди,
ўлдирмоқда,қамоқларга тиқиб

Билдиришнома

унга эргашиш каби ҳислатлар
кучайиши блан бир қаторда, шаҳар
қийфасида ҳам ўзгаришлар касб
этади..Кишида имон бўлмас экан,
у харқанча, бежалмасин, энг олий
нав кийимларни киймасин, энг олий
даражадаги амалдор бўлмасин,
автори хунуқлигича қолаберади
Бажарадиган иши, вазифаси
ҳам фўли атвори ва башарасига
мослашган бўлаверади..Мени бу
сатрларимни ўқиган имон деган
лафздан бироз хабардор бўлган
шахсларда“ахир ўрислар кофирку,
уларда имон бўлмаганку” деган
фикр туғилиши мумкин. Урисларда
иймон бўлмагани блан инсоф,
халоллик, сўзини устидан чиқси,
ёлғон гапирмаслик, ваъдасига
вафо қилиш хислати кучли!
Шунингдек, Аллоҳни буйруғига
бўйсиниш туфайли, улардаги
нур ҳам халоллик,инсоф, диёнат
туфайли. Аммо, фақатгина Аллоҳга
ширк(Исо Масихни Аллоҳга шерик
қилиб,Аллоҳнинг ўғли — Аллоҳ
деганлари учун) келтирганлари
учун кофир бўлдилар.

Мен, АҚШни ер юзининг
барча бурчақларидан оқиб
келган, чиқиндилар тўпланган
ва тўпланаётган дунёнинг катта
ахлатхонаси деб хисобасам, бундан
чорак аср илгари ҳам “Тошкент
нон шахри,олимлар шахри” деб ном
таратган, эндиликда қайта топиб
бўлмас ЭССИЗ ТОШКЕНТИМ, ўтган
йигирма беш йил — чорак асрда
атрофдан оқиб келган ва хали
ҳам оқиб келаётган,“Тошкентда
яшашга ҳаққим бор, Тошкент
еримни қайтариб берсин ва х.к. ва
х.к.”деб, даъво қилаётганларни ва,
айникса ,амалдорлик курсисини
эгаллаган ва Тошкентни “ЗАБД
ЭТДИК” деб, дунёга жар солаётган
чўчка боқиб, чўчка гўштида вояга
етган қашқадарёликларни, ва
аллақандай итбоқарларни оёғи
остида хор бўлиб, фохишаю,
ғарлар, кўтлару, ўғрилар,

ташлаб, муддатига муддат қўшиб
бермоқда,уларнинг болалари ҳам,
ота дийдоридан маҳрум бўлиб,
валадизино бошқараётган аравада
уни ашуласини айтишга мажбур,
яшамоқда.Улимидан бироз олдин
рахматли Шуқурулла Мирсаидов
блан учрашганимда, у киши: “ўзбек
меҳнат-каш,одамохун халқ, барча
йўқотганини ўрни тўлар, қозонда
бўлса юки қолади деганлари-дек,
бойликларни ҳам барчасини олиб
кетаолмайди, аммо халқнинг энг
катта йўқотиши, бу маънавият
имон, рухият бўлди. Уни энди
тиклаш амри маҳол, Чунки,
авлодлар ўзгарди ва ўзгармоқда.
Бизлар ожизлик қилдик, ёлғонга
ишондик, бу ўта маккор палид
махлуқ ҳаммани алдади”деган эди.

Доно боболаримиз: “бой
йитмасину, камбағал битмасин”
деб, бекорга айтмаган эканлар.
Чунки, қуриб кетгур камбағални,яна
у валадизино бўлса, ўзи тўйса ҳам
кўзи тўймай, барча ёмонликларни
ишга солиб,” бер, бер”дан нари
бўлмас экан.Валадизинони
ҳокимиятни эгаллаганига 28 нчи
йил кетмоқда, аммо уни тўйдириб
бўлмаганидек, у етаклаб келган
чўчкабоқарлари ундан-да ўтиб,
бирлашиб,Тошкентни хароб
қилдилар.Тошкент нафақат
нон,олимлар шахригина бўлиб
қолмай ,саонат, илм фан,
меъморчилик санъати шахри
ҳам эди.Эндиликда ҳамма нарса
барбод бўлган, юқорида баён
этганимдек ахлатхонага айланган,
қузғунлар бойқушлар маконига
айланди. Бу қузғунлар ичида,
баъзибир туб тошкентлик-лар ҳам
“эшак эшакдан қолса, қўлоғи
кесади...”, мақолига амал қилиб,
валадизинонинг аравасида юриб,
ашуласини айтишга мажбурланди.
28 йил давомида фақат ёлғон
ваъдалар, ёлғон асосидаги

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

қўрқитувлар, ҳақоратлар, қама-қамалар остида яшаб келган ва келаётган катталар каби, онасини қорнига ёлғон эшитиб, пора блан тушган хомила ҳам, туғилгандан кейин ҳам ёлғон блан энгаги кўтарилган, порахўрликқа асосланган, ёлғончи, порахўр тарбия-чилар, ёлғончи, порахўр муаллимларнинг ёлғон тарбияси, ёлғондан бераётган «билими» соясида вояга етган ва етаётган ёшлар катталардан ҳам ўтиб, доно болаларимиз “куш уясида кўрганини қилади” деганларидек, ҳаёт шу экан, деб, берган ваъдаси ёлғондан иборат-лиги учун унга амал қилмайди. Ёлғон гапириб, пул ишлаш пайида бўлади Ватан хисси, халқ хисси, хатто оила хисси йўқолди..

Демак, бир валадизино мамлакатни бошқарар экан, шу мамлакат тўлик таназзулга юз тутиб, омма бутунлай тубанлашар экан. Бу таназзулТошкентни ҳозирги ахволида яққол намоён бўлмоқда.

Тошкентга рўйхатни энг охирги ўрни ҳам эссиз! Чунки, мен ўзим, атрофимдаги ҳамша-харларни (келгиндилар хаёти порахўрлик, таланчилик асосига қурилгани учун, анчагина дуруст, аммо барака йўқ!) турмушидан келиб чиқиб, Улуғ Ватан уруши даврида ҳам, очарчилик даврида ҳам, оналаримиз, бувиларимиз, додаларимизни айтганлари блан солиштирганимизда Тошкент ва унинг ахли бунчалик иқтисодий – ижтимоий абгор бўлмаган, чунки уни маънавий руҳи баркамол бўлган экан. Шунинг учун ҳам бағри кенг, уйини тўрини келгиндига бериб, ўзи пойгақда тунасада, бир бурда нонини келгинди блан бўлишган экан. Биз, ҳозирги кексаларим бу ҳақиқатларни эшитганимиз учунгина эмас, ўзимизни болалигимиз (Сталин даври), ёшлигимиз, ва улғайиб оқу қорани ажратиш даврини ўша юзсизларча (ўрислар эмас, айнан ҳозирги палағда тухумдан пала партиш яқинда ёриб чиққан ёқубов, назиров, каби муттаҳам онкўрлар) лаби бичилгунча қоралётган Совет давлатида эркин эмин, яшаганимиз, олган маошимиз, нафақат, ижтимоий хаётимизни қондирибгина қолмай, хатто чет элга бўлмасада, хошимизга мувофиқ Совет Иттифоқининг барча бурчагига саёхат қилиш даражасида яшаганимиз учун хаётни қанчали ҳозирги юқини оғирлиги блан солиштириб, ўша давр қадрига етмаганимиз, уни авайлаб, асрайолмаганимиз учун, ҳам эссиз Совет дейман. Бу

ёзганларим оддий бир савод-сиз ота ва чала савод онадан “бисмиллаҳ” блан туғилган 11 фарзанднинг каттасини сўзи!!! Барчамизни вояга етказишда отамиз халол меҳнат қилдилар, барчамизни меҳнатга, ҳалолликка, ҳақиқатни қўллашга ўргатдилар, “Бошингга қилич келса ҳам ёлғон гапирма”, меҳнат қилсанг доимо юзинг ёруғ, тилинг узун бўлади, халол ишла, халол топ” деб тарбияладилар. Уша “ёмон” Совет даврида барчамизни олий маълумотлик қилдилар ва яна “бир кун туз ичган жойингга қирқ кун салом бер, яъни халол меҳнат қилиб, халол хақингни талаб қил, бўлар бўлмасга, катталар олдида букилиб, эгилма, хақингни бекорга бировга берма ва бирвни хақига хиёнат қилма Ноҳақлик олдида, доимо, хақ сўзни айтишдан тортинма” деб, доимо таъкидлар эдилар. Барча ишларда адамга ойимиз камарбаста бўлдилар. Аллоҳга беадад ҳамдлар айтаман, барчамиз қаридик, аммо сғлом, баркамол имон ва жисмга эгамиз. Бировдан қарзимиз йўқ, бировга қарз беролмаймиз, аммо, хали ҳам қўлимиздан келган яхшилик ва ёрдамни шу вақтга қадар аямаймиз. Бу мисраларни ёзишдан мақсад, Совет даврида оддий меҳнаткашга қанчалик эркинлик берилганини, уларни етук инсонлар бўлиб етишишига қанчалик имкон бўлганини тасдиқловчи бир мисол сифатида кўрсатдим холос. Албатта у даврининг (хрушев ҳокимиятга келгач), ҳам ўзига яраша қусурликлари бошланиб, айниқса, Брежнев бошқарув даврининг кейинги 10 йлликда, ҳукумат таркибига олчок, юлғич, порахўрлар, ювин-дихўрлар, валадизинолар ўрнашиб олгач, ҳукумат таркибини ташкил этган кексалар, қолган умрини халқ муаммолари блан эмас, ўз қарилк муаммолари блан ўтказишни афзал билганлари учун, пияниста ельцин, қотил каримов кабилар бошқарув тизгинни қўлга олишга мувофақ бўлиб, барча аввалги тизимни аста секин издан чиқара бошладилар ва натижада СССР завоул топишига эришдилар ва ўзлари хон, кўланкалари майдон бўлди қолди.

Фарход, мамлакатдаги “ўзгаришлар”ни ҳам тилга олибди. Буларга ҳам шарх бериш вақти келганини тушунган холда, бирма бир шарх бериб ўтишни лозим топдим. 1. Янги қурилиш—ларга юқорида изох бериб ўтдим; 2. “Йўлларни таъмирлаш, янги йўллар қуриш”, Совет даврида ҳам олиб борилган эди, аммо, туб аҳолини кўчага хайдаб чиқариш блан эмас, балки, аввал жой блан таъминлар, сўнг лозим бўлган жойни кўчага қўшар, ёки

бирор катта иморат қуриш лозим топилган жой бўлса, ўша ер аҳолисининг хохишига мувофиқ ўз жойидан (подкотлаван) текинга квартира берар эди. Ҳозирда бироз хақини талаб қилган оила дин-дан бутунлай узоқ бўлсада, уни ўғли ёки эркаги бирор диний ташкилотга аъзоликда тухмат блан қамалади, уйи бузилади, оила кўчага хайдалади, яъни қотил, валадизино ҳокимият тепасига келаётган вақтида” ўзбекни Хиндистон йўлидан олиб бораман” деган сўзини, туб тошкентликларга нисбатан қўллаб, йўл қурилиши, келгиндилар учун қурилиши мўл-жалланган кўпқаватли уйларга мўлжалланган туб тошкентликларни асрлар давомида турган (кўпи ЮНЕСКОнинг рўйхатида) бузишда, ёлғон ваъда блан кўчириб (подкотлован вадаси), кўчага хайдагач, яримта фишт блан кўтарилган сувдан холва ясагандек қурилган уйдан олиши лозим бўлган квартирани, мулк, ер эгасининг келажақ авлоди ҳам яқин келажақда узаолмайдиган қарз ҳисобига сотиб олиши тавсия қилинмоқда (Сағбон, Қора-сарой, Чифатой кўчалари бўйлаб бузилган туб тошкентликлар ахволидан, бир лавха яъни итлари кириб, эгалари чиққан замон) Бу валадизино бошқарувидаги мамлакатни чуқур инқирозда эканига ва индамай томошабин бўлиб турган маҳалладош, қариндош-ларнинг яъни аҳолининг тубанлашувининг мисолларидан бири. 3. «...Тезюар поездлар қатнови...» Совет даврида Ўрта Осиёда ягона метро фақат Тошкентада қурилди, Буни ҳамма, жумладан оддий ўқувчи ҳам замон талабилигини билган ва бу блан оламга жар солмаган эди. Бу бечора тезюар вагонларда ҳозирда қанча одам (бошқа Совет даври поездларидан атиги 2 соат тез юриши блан фарқланар экан, бу барча муаммоларни хал қилди деган масала эмас) юраолиши мумкин экан, харид хамёни қанчага етар экан? Совет поездиде деярлик 5 соатда Самарқанга 6 сўм блан етиб борар эди. Бу “оламшумул тезюар поезд” да қанча сўм блан етиб борар экан? Метро 5 тийин эди, одам аримас эди.

Ҳозир метро бекатлари хангиллаб ётибди, метрога деярлик ҳечким тушмайди. Нега??? Бу саволга ҳечким, жумладан Фарход ҳам аниқ жавоб бераолмайди.

Чунки, биринчидан бутун республикадаги ва қишлоқ хўжалигидаги барча техник анжомлар – пахта териш машинасию, тактор, бўғдой ўриш комбайнларигача, юк ташувчи

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

барча мошиналар қатори, барча саноат корхоналари бузиб, уларнинг темир терсақлари, дастгоҳлари,, барчаси барчаси консерва банкасидан ҳам хароб,усти ялтироқ ичи қалтироқ мошиналарни ишлаб чиқаришга ишлатдилар.Корхоналар жойлашган заминлар эса,босиб олиниб,уларга, юқорида ёзганимдек, қаланги қасанги, дидсиз шахсий харомалар — эшақхоналар қуриб ташланди.Бу металллар етишмагандек ,кечаю кундуз, мана, кам деганда 20 йилдан буён мактаб, хатто боғча болалари оқали ота оналарни металлом йиғишга мажбурлаб, аҳолининг ош сузгич чўмичию, наэас оладиган белкурагигача қолдирмай ўз шахсий хисоботларини янада осмоўпар қилиш учун сарфланган ва сарфланаётган гўдақлар меҳнати, халқ мулки саноат корхоналари темирлари хисобига ишлаб чиқарилган , консерва банкалардан ҳам хароб турли "ўзининг" машинасида Фарход ҳам бошқа гадойкерваз ўзбеклар каби юради, кира қилади,Аммо келгинди, чўчкабоқар,харохўр амалдорлар, ўзлари чиқараётган консерва банкасида эмас,четдан келтирилган МВФ, Кадиллак, Мерседес,ва яна алламабалоларда юришни афзал биладилар.

Иккинчидан метрога кирарда бир икки ялмоғиз хужжат текширади, хужжати бўлмади, нима қилмоқ керак,? Масалан ман ўзини хужжат кўрса-тишини талаб қиламан ,аммо у хужжат кўрсатиш ўрнига, аллақерда биқиниб ўлтирган жаллодни чақиради.Кўрибсизки,, "ёрдамга" етиб келган, формали мараз келгинди, астар аврангизни ағдариб, ҳақоратлаб, дағдағага ўтади Ман бўш келмай,жавоб бераман, чунки ман ер эгаси-туб тошкентликман, сани қанақа ҳаққинг бор мени текширишга, сан ўзинг кимсан, қани хужжатиингни кўрсат деган қарши савол ҳавода муаллақ қолади ва ман зўрлик блан метродан хайдалиб, автобусда кетаман (бошимдан кечирган воқеа).Чунки Тошкент халқининг мулки бўлган метро ҳам аллақандай қароқчи босқинчи муттаҳам келгиндининг шахсий мулкига айланган. Метро ишламаса ҳам,одам кирмаса ҳам у муттаҳам келгиндининг бойлиги хисобланади.

Учинчидан, Ҳозирда,метро йўлагига кириш ўта хавфли, чунки келгинидлар,деярли, формали қароқчилар, арзиманган пул ёки нарса учун йўловчиларни ўлдириб юбориши ҳеч гап бўлмай қолган ва бундай ,жиноятлар ҳақида эшитилиб туради. Бу таназулнинг

ва тубанликнинг яна бир кўриниши! 4."Фавворалар ишга туширилди". Нима мақсадда , нималар хисобига? Тошкент нафақат нон, олимлар ,фан ва техника, саноат шахри бўлиб қолмай, сув ховзалари мўл бўлган соя салқин мўътадил иқлимга эга шаҳар ҳам эди. Тошкент Чотқол тоғ ёнбағридаги воҳага жойлашган бўлиб, атрофи табиий жарликлар блан ўралган, у жарликлар асосан Чирчиқ дарёсидан сув ичар ва бу жарликлар орқали қадимда шаҳарнинг ҳар томонига каналлар қазилган бўлиб, яқин яқинга аҳоли етарлича сув блан таъминланган,шаҳар хавоси эса бу каналлардан оқаётган сув туйфайли мўтадил сақланар эди. Қани Бўрижар, Қорақамиш,Қўйлуқ, Хадра жарликлари, қани Салор, ва бошқа каналлар???

Утган 25 йил ичида бирорта табиий жарлик қолмади. Ваҳший,сув нималигини билмаган чўл чўчкабоқарлари "бўш ётган" бу жарликларни, каналларни ҳам кўмиб, хусусийлаштириб, алмойи алжойи бинолар,ўзбек бир йилда бир маротаба ҳам кириб кўрмайдиган стадионлар, кордлар қуриб ташлаб,Тошкентни ҳам тақир чўлга айланишига яқинлаштирди.

Охириги ягона қолган, бутун Эски Тошкентни хавосини мўътадиллаштириб турган Кайковус канали ҳам,туб тошкентликларнинг қади-мий уйлари каби йўқотилиб, кўмиб ташланди(2015йил). Фарходшер,,одамлар юрадиган йўллари ҳам хусусийлаштириб қурлган қаланги қасанги фавворалар блан фахрланишдан олдин, нима хисобига қурилганин ҳам ёзиб ўтганда, мардни ишини қилган бўлар эди.Ёзиб ўтганларим ХАЛҚ мулки ,ВАТАН шаҳар кўрки эди. Ҳаммасини 25 йил ичида ваҳший келгиндилар барбод этдилар. Энди фавворалардан отилаётган сув хажми ва унинг баҳоси ҳақида ўйлаб кўришни Фарходшернга қолдираман. Сайроқиликни кўпчилик, жумладан, ёзганларидан тушимдимки Фарход ҳам яхши кўради. Ҳозирда сувнинг баҳоси Тошкент шароитида (сув ҳали ҳам сероб жой хисобланади) қанча туради???

Шу ерда сув масала-сида жанжалга оид ва тубанликнинг олий нуқтаси бўлган бир воқеани айтиб ўтмоқчиман.Менга сув тўғри марказий қувурдан кирган бўлиб, унга носозлик (ава-рийний.) бурамаси (вентиль) кўйилмаган ва бу ҳақда ўша даврда менга ҳечким тушунтирмаган. Вақт ўтиши блан текширув (контроль) бурама ишдан чиқиб, қотиб қолган ва очиб, ёпилмайдиган бўлган. Бу ховотирлик бўлгани учун, бундан тахминан 4 йил аввал Собир

Рахимов сув хўжалиги раҳбари Мақсудов Аброрга мурожаат этиб, нима қилишим керак деганимда,, у кўриб "албатта тузатиб берамиз" деган ваъдани берди ва ҳақиқатда ҳам орадан 2 кун ўтгач ,4 киши эшик қоқиб, сув хўжалигидан эканликларини айтгач, кириб, қудуқни кўришди ва менга тулқин деган қашқадарёлик, " хола, бу арзон эмас,тўрт юз минг бўлади ва барча қисмларни олиб берасиз" деди Мен "хар бирингизга 1юзмингдан эканда, фар бўл, ўғри бўл, инсоф блан бўл деганлар, мен ўзим тўрт юзминг нафақа олмасам қандай қилиб сизларга шунча пулни бераман" деб бироз ёғиниб, юртбошисидан ҳам ўтган қароқчи эканлигини айтиб жўнатиб юбордим. Уша бўйича бирнеча вақт ётди.

Бу орада Мақсудовга икки бор телефон қилдим ,аммо у жавоб бермади, олдига боришга вақт топаолмадим. Яна кўчада марказий қувур ёрилди ва яна мақсудов келганини эшитиб, олдига чиқдим, аввалгидек марказий қувурни шу қисмини ўзгаритириш лозимлигини яна эслатиб, ўзимни муаммоим ҳақида ҳам эсига солдим, у эслаганини айтди ва албатта тузатиб беришни ваъда қилди. Бу ваъдадан кейин ҳам яна икки йил ўтди, яъни 2016 йил кирди. Шу йил астойидил сувни тузатиб олишни жазм қилдим ва четдан одам ёллаб ишни бошладим, Келган киши (бирор орқали топган эдим) етишмаган қисмлар учун дўконга кетаётганда кўчада сувчилар борлигини айтди ва мен югириб чиқиб бир соатга сувни очмасликларини илтимос қилдим. Яна ўша чўчкабоқар қашқадарёлик тўлқин мен блан муомала қилди ва буни иложи йўқ деб туриб олди ва хўжайинига учрашишимни тавсия қилди.

Ха, майли, устага, бўлган гапни тушунтирдим ,у келаси сешанба келишини айтиб ўша кун кетди, Мен эртаси эрта блан сув хўжалиги корхонасига бордим. Мақсудов мажлис ўтказётган экан Тахминан ярим соатлардан сўнг мени кутаётганимни кўриб ичкарига таклиф қилди, ва мен саломлашиб, воқеани тушунтирдим , ва тўлқин сувни бир соат тўхтатиб берганда, ишим битиб, ман сани олдинга келмаган бўлар эдим ,дедим.

(Давоми келгуси сонда)

<p align="center">"ERKIN YURT" интернет-газетаси Ўзбекистон Халқ Ҳаракати расмий нашри www.uzxalqharakati.com/erkinyurt Мухаррир: Нурбек Саломов</p>
